

81.2.

Узб. 2

49

Уз. - 23

4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОАЙ ВА ЎРТА МАХСУС
СТАДИОМ ВАЗИРАИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ММХ



ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИЯСИ ФЕЛЬ

(МАЪРУЗА МАТНЛАРИ)

ТОШКЕНТ - 1999

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги Тошкент давлат университети

ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИЯСИ

ФЕЪЛ

(МАЪРУЗА МАТНЛАРИ)



Бағытта ойдаған тағы да морфологиясінің "жетек" бағытта ондай
жазарлар жөндеуде мәтіндер шекаралықта мұхтасар баён қилиб
берилген. Мәтіндерге давлат тәрбияттың амандасынан мұвофиқ түзилген
яғни үй, уақыттың асосынан тартылған.

Мәзкур мәтіндерге давлат университеттердің үзбек
филологиясы факультеттері талабалари учун мүлжалланған. Үндеп
педагогика университеттері, журналистика факультеттері талабалари ҳам,
аспиранттар да таңғынан түзилген.

Тузувчи: доц. *М.А.Жұрабоеев*

Масъул мұхаррір: доц. *И.Ә.Тошалиев*

Тошкент давлат университети үқыу үсулияті Кенгашының томонидан (1999 ыйл
25 майдағы 5 – соли йигилиши қарорынан мұвофиқ) нашрға тапсия этилған.

ҮҚТИРИШ ХАТИ

Мустақиллик мафкураси, миллий ўзликни аңглаш тамойиллари ҳамда ўзбек тилшунослигида эришилган ютуқлар тил таълим мазмунини қайта кўриб чиқишни, яратиласяёттан дастурлар, ўқув йўриқномаси вазифасини бажаришга хизмат қилаёттан барча илмий – назарий манбаларни янгилашни, таълим тизими ва ўқитиш усулларига ўзгаришлар киритишни тақозо штмоқда. Бу табиий эҳтиёж ва зарурат Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни ва Таълим ҳақидаги Миллий дастур мантиқидан келиб чиқади.

Мустақил Республикаизда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури белгилаб берган таълим тизими ўзбек тили имкониятларини ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида фаол юзага чиқариш жараёнини тезлаптиради. Мана шу ҳаётий эҳтиёжнинг амалий ижроси асосий маъсулити она тили ўқитувчилари зиммасига тушади, албатта. Зеро, ҳар қандай соҳа мутахассиси тайёрлашнинг замирида ўз она тили табиатини билин, унинг имкониятларидан тўғри ва ўринли фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини эркин баён қилиш, ҳамда ёзма ифода эта олиш малакасини тарбиялаш талаби ётади. Бу, ўз навбатида, ўзбек тили табиатини тўғри ёритиш, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шу соҳада давр талабига мос малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси билан узвий боғлиқ; ҳозирги давр мутахассиси эса илгор тажриба, фан ютуқларидан хабардор бўлиши лозим.

Ўзбек тилшунослиги тарихи ўз ютуқлари билан баробар тогалитир тузум даври чекланишлари сабабли тил қонуниятлари тавсифи ва таҳлилида учраб турадиган баъзи ўзбек тилига хос бўлмаган қўлланишу ифодаларга ҳам ўрин берган эди. Айрим баҳслар мазмуни ва уларда акс этган далилий мисоллар фан ютуқларидан орқада қолди ёки миллийликдан узоқлашди.

Мутахассислар тайёрлашда дарслик ва қўлланималар мазмунини такомиллантириши, ўзбек тилшунослиги эришиган ютуқларни ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш, ҳозирги кунга қадар ҳам қўлланиб келаёттан дарслик ва қўллапамалардан танқидий фойдаланиши, тавсия этилган материаллардан ўрин олган баъзи мисолларни янгилаш, уларни миллый маънавий тамойиллар асосида баҳолаш зарур бўлиб қолди.

Мана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факултетлари учун "Ҳозирги ўзбек адабий тили" фанининг барча қисмлари, хусусан, "Морфология" баҳсига тааллуқли айрим манзулар

бүйича мәтірүза матиларини тавсия этиші лозим, деб топылды. Бу бағсұ үчүн амалдаги дастурда жами 60 соат вакт ажратылған ва бу фан III ва IV семестрлар давомида үқитилиши режалаштирилған.

Мәзкүр мәтірүза матилари эса келгусида яратылажак дарсلىкнинг бир бағсига – “Феъл” бағсини ёритишига, унға даҳлдор маңлумотлар баёнига бағыпшыланған. Матилар баёнида үзбек тильтунослиги өришгән ютуқлардан фойдаланилған. Айниқса, үзбек тильтунослиги илмидә феълшунос сифатида тан олинған проф. А.Г.Гуломов, ҮзФА мухбир атасы А.П.Хожиев, феъл тадқиқи бобида үзига хос таҳлил йўриғини тавсия этишига И.Қўчқортоев, М.Содикова, филология фанлари номзоди М.Атъламова кабиларнинг ишлари ҳамда бониқа муҳим илмий тадқиқотлар назарий асос сифатида хизмат қылған.

БИРИНЧИ МАВЗУ

"ФЕЛЬ"

"ФЕЛЬ" ТУРКУМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Ўрганиши тарихи. Мазкур сўз туркуми қўилаб илмий – методик ишламма, ўқув қўлланмалари, монография ва мақолаларининг обьекти бўлган. Унинг диахроник ва синхроник хусусиятлари ҳамда грамматик категорияларига оид маҳсус ишлар яратилган. Грамматик кўрсаткичларнинг табияти тавсифланган. Унга хос бўлган морфологик, синтактик, лексик – грамматик хусусиятлар баёнида ўзаро ўхшаш ва фарқли нуқтаи назарлар бор. Терминалогик номутаносибликлар ҳам йўқ эмас. Таснифий ҳар хилликлар ҳам кўзга ташланади. Бу йўналишда изланиши олиб борган тилипупослар кўп. Аммо фетишишунос сифатида таан олинган олимлар саноқли: профессор А.Г.Гуломов, Ўзбекистон ФА муҳбир аъзоси А.П.Хожиев, профессор И.Кўнгуртоев, оима М.Содиқова ва б.к.

Феъл ҳаракат ва ҳолатни ифода этувчи луғавий – грамматик категория. Феълларга хос бўлган лексик хусусиятни унинг, кенг маънода, ҳаракат тушунчасини англатини деб изоҳлаш ҳам мумкин. Чунки грамматикада ҳаракат тушунчалиси *юрмоқ*, *кетмоқ*, *бормоқ*, *келмоқ* каби динамиклити аниқ сезилиб турадиган ўзгарувчан силжинларни билдириши билан бирга, *завқланмоқ*, *қувонмоқ*, *ҷӯчимоқ*, *йўламоқ*, *эншамоқ*, *тұмтоқмоқ*, *куюнмоқ*, *мудрамоқ*, *оқармоқ*, *қораймоқ* каби физик руҳий ҳолатларни, яъни ярим динамиклекни ҳам ифода этади.

Баъзан "ҳаракат" тушунчалиси биологик жараёнларни ҳам англатади: *пахта гуллади*, *кўчатат ўсди* каби. Бундай сўзлар нутқда кўчма маъноси билан ҳам қатнашади: *бона ўсди*, *арикка чўқди*, *кўшили чўқди*, *даражат гуллади*, *оғзидан гуллади* кабилар. Шундай экан, ҳаракат ва ҳолат тушунчасини фарқлашда матний ҳолат асосий ажратувчи мезон бўлади.

Шунингдек, феъл англатадиган ҳаракат – ҳолат маъноси лингвистик табиятига кўра "замон" тушунчалиси билан узвий боғлиқдир. Демак, феъл кенг маънода ҳаракат билдирувчи сўз туркумидир. Бу унинг лексик – семантик хусусиятини ҳам изоҳлайди. Унинг бу хусусияти маҳсус илмий тадқиқотларда, изоҳли луѓатларда, грамматикаларда атрофлича тавсифланган ва ҳатто образли йўснида таърифланган ҳам: "Феъл – гашнинг жони", "Сўз

туркумлари иланында булса, фетъл учинг қуёши" (А.Пешковский). "Фетъл танта ҳаёт багинилайди" (О.Есперсен).

Лингвистик манбалардан матъумки, туркий тиалардаги феълларнинг луганий-семантик гуруҳларини дастлаб машҳур турколог Н.К.Дмитриев белгилашга ҳаракат қилган. У феъларни 4 та семантик гуруҳга ажратган: нутқ феъллари, сезги феъллари, фаолият феъллари, ҳаракат феъллари. Аммо айрим феълшунослар З гуруҳга ажратиб ўрганиши тарафдори: ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, мунисабат феъллари (М.Содиқова).

Фетъл туркумига мансуб сўзларни (хатто бир тўдага киритилганларни ҳам) маъни нозикликлари асосида турли семантик гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилиш ҳам илмий-назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан муайян асосларга эга. Бу борада ҳам ўзбек тилишунослигида кўплиб ишлар қилинган. Шулардан бир тоифаси валентлик компонент таҳлил йўсимидағи тадқиқотлар (масалан, И.Қ. Қўчқортовнинг маҳсус монографияси, докторлик диссертацияси шу мавзуга тааллуқли) бўлса, иккичи тоифаси эса услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишлардир ("Фетъл стилистикаси"). Бу ишларда фарқли тадқиқот тутумлари қўлланилган, аммо илгари сурилган мақсад матъум маънода ўзаро бирлашиди, чунки ўзбек тилида қўлланидиган ҳар бир феълни имконият қадар чуқур тадқиқ қилиш, қўлланиш доирасини аниқлаш асосида тишининг табиатини аниқ, тўғри тавсифлашдир.

Қўйидаги таснифларда берилган матний мисолларга ва уларнинг изоҳига олитибор беринг:

1. Ҳаракат феъллари. Бунида субъетининг макон ва замондаги меканик ҳаракати кўрсатилади: *юрмоқ*, *қурмоқ*, *бузмоқ*, *ёнмоқ*, *барпо этмоқ*, *қайта қурмоқ*...

Матний қўлланишлар: Юра—юра ўз қишилогига стигб келди. Болани қўлидан етаклаб юринг. Юринг—юринг, тезроқ юринг. Биз мустақил давлат қуряпмиз. Улар иморатларини қайта қуряптилар.

Эски иморатимизни буздик.

Матний таҳлилдан келиб чиқиб, биргина "юрмоқ" феълининг ўзини қўйидагича тавсифлаш мумкин: фаол ҳаракат билдирувчи сўз, оёқ ҳаракати тушиучаси билан боғлиқ. Аммо бу ҳаракатининг ўзбек тилига хос нозик фарқлари маҳсус сўзларда ҳам ифодасини топган: *йўргаламоқ*, *пилдиррамоқ*, *тепитирамоқ* каби. Мана шу фетъл ҳайвоиларга, ҳашаротларга нисбатан ҳам

қўлланиши мумкин: той йўргалади, чумоли ўрмалади, биз ўрмалаб борардик, посэд юрди. Кўчган матнолари ҳам бор: соат юриб кетди, тузни юраман, шим юришмаяпти, унинг йўлига юрди.

2. Ҳолат феъллари. Булар аслида минимал ҳаракат маъносини англатади ва асосан З йўсинда юзага чикади: а) фикрлаш билан боғлиқ ҳолат: эсламоқ, фаҳмламоқ, ўйламоқ;

б) руҳий ҳолат: севмоқ, ёмон кўрмоқ, куюнмоқ, тұтоқмоқ, асашибланмоқ ;
в) биологик ҳолат: гулламоқ, очилмоқ (пахтага нисбатан);

3. Нутқ феъллари. Буларда сўзлаш билан боғлиқ ҳаракат ифодаланади: сўзламоқ, гапирмоқ, тушунтирмоқ, аврамоқ...

4. Сезги феъллари: кўриш орқали, эшитиш орқали ҳис қилиш англашилади: кўрмоқ, кўзламоқ, илгамоқ, эшишмоқ...

Бироқ айрим феълларнинг ўринини белгилашда таснифи ишламиларни кўрмоқ, кўзламоқ, илгамоқ, эшишмоқ...
Бироқ айрим феълларнинг ўринини белгилашда таснифи ишламиларни кўрмоқ, кўзламоқ, илгамоқ, эшишмоқ...

Демак, феълларга хос бўлган бу хусусият илмий жиҳатдан атрофлича ўрганилиши, амалий жиҳатдан эса тўғри тавсифланиши ва таҳдил қилиниши лозим.

Феъл ўзига хос морфологик хусусиятларга эга. Улар куйидагилардан иборат:

1. Тусланиш хусусиятига эга. Тусланиш ҳодисоси феълнинг туб лугавий маъносини ўзгартириб юбормайди, балки феълнинг, тўғрироги, шу феъл ифодалаган ҳаракатининг шахсини, соини, замонини аниқлашга ёрдам берадиган шаклда қўлланиши ҳисобланади. Феълга хос бўлган мана шу хусусият унинг предикативликни билдириш хусусиятига ҳам асос бўлган. "Тусланиш" атамаси эса ўзбек тили грамматикасига илк бор проф. 43 ҳ. А.Г.Гуломов томонидан киритилган ва таърифлаб берилган.

2. Хусусий грамматик категорияларига эга: шахс-сон, замон, майл, даража (нисбат), ўтимли-ўтимсизлик, бўлишили-бўлишсизлик каби (А.Г.Гуломов, 1954). Бу категорияларнинг ҳар бири ўз маъноси, ўз кўрсаткичларига эга бўлиб, улар бир-бири билан алоқадорликда, боғлиқликда бўлади. Масалан, "ўқидинг" шаклидаги феъл бир вақтнинг ўзида ҳар хил грамматик матноларни англата олади. Хусусан, ҳаракатнинг II шахс томонидан бажарилганигини, бажарувчи шахснинг яккалигини,

Харакаттинг нүктө бағы тиілген болғаннан көнбакшаларының, әзебекті тараб қилинешінің, тасдиқ мағыносини ва и.к.

Бирок феъзларға хос бўлған категорияларни ожратишда, таърифлашда, помлашда ҳам ҳар хил ёнданишилар кўзга ташланади ва булар мавжуд дарсликларда ҳам акс эттан. Масалан, *даражага/исбат*, *ўтимли-ўтимсиз*, *объектли-объектсиз* ва б.к., фикримизча, бундай ҳар хилликнинг сабаблари ҳам турлича:

- а) термин ташланада бошқа тиідан нусха кўчириши;
- б) "грамматик категория" тушунчасига турлича баҳо бериш;
- в) ўзбек тилининг миллый табиатини ўзбекона гап қурилмаларини чуқур ўрганиммаганлик, ёинки бошқа тил андозалари асосида баҳолаш...

3. Сўз ясалиши ва шакл ҳосиля қилиш тизимиға эга. Феъз узининг маҳсус сўз ясовчи қўшимчаларига эга: *сув+сира*, *муз+сира*, *кўз+ла*, *лод+ла*, *бош+ла*, *кетаман+ламоқ...*

Шакл ҳосиля қилувчи қўшимчаларга бой, уларнинг аксарияти кўп маъноли, кўп варианти, асл туркӣ, қадимий, қўлланиши ҳам ўзига хос. Масалан, қўилик кўрсаткичи = *ларнинг* бевосита феъз ўзагига эмас, балки сўз сўнгидан жой олиши бунинг яққол мисолидир. Қиёслани: От туркумда: *китоб + лар*.

Феъз туркумда: *ёз + ги + лар*, *ёз + ги + ир + лар*, *ёз + ги + илиз + лар*.

Феъз ўзига хос синтактика табиатта эга. Бу ўзбек тилинунослигидағи аңғанавий таълимотда предикативлик, конструктивлик тарзда баҳоланади. Уни қуйидагича тавфислаш мумкин:

а) Предикативлик, яъни кесимлик феъзининг асосий синтактик вазифаси. Чунки у, энг аввало, шу хусусияти билан бошқа сўз туркумларидан фарқланади. Агар бошқа сўз билан қўшилса, унга ҳам кесимлик тусини бера олади. Масалан, соғ феъздан ташқари феъз шаклларига: *ўқиб чиқди*. Шунингдек, у сўзларни бириктиради, гапнинг турини белгилайди: *Бордик, Биз бордик. Ўқидик. Ўқидик?*

б) феъз гап тузилшида бошқарувчи бўлак вазифасини бажаради... Адабиётларда таъкидланғаныдек, бошқарип қобилияти феъзда кучли. Феъз бошқарувининг сўз бирикмалари тизимида алоҳида ўрин тутиши ҳам ўз асосига эга. Масалан, келишикли ва кўмакчили бошқарувни эслаш кифоя: Биз озод ва обод Ватан қурамиз. Биздан озод ва обод Ватан қолсан (И.Каримов).

Феъл айниқса эга – кесим муносабатида, кесим билан тұлдируичи, кесим билан ҳол муносабатларыда алоқида мавқега эга. Сабаби, тұлдируичи ёки ҳол феълшыннан кесимига қараб шаклини үзгартыради. Келишикшли ва құмакчили бирикувлар ҳам шундай хусусиятта мойил. Тұлдируичи эса асосан феълға боядап келади ва б.к.

Демак, фөзүл ўзигагина хос бўлган, бошқа туркумлардан ажралиб
ТУРУВЧИ ДЕКСИК – СЕМАНТИК ва грамматик белгилаарга эди.

Фетълларининг юқорида кўрсатиб ўтилган лексик-грамматик хусусиятлари ҳакида бир-бирини тудириувчи қарашлар ўзбек тилига оид дарслик ва қўлланмаларда ҳам кўрсатиб ўтилаган. А.Г.Гуломовнинг "Феъм" номли рисоласида мазкур туркум грамматик хусусиятига кўра 2 га ажратилган ва қуидагича тавсифланган:

- 1) Шахс күрсатадиган (предикатив) феъллар, яъни шахс, сон, замон матьносини аңглатуучи феъллар
 - 2) Шахс күрсатмайдиган (предикатив бүлмаган) феъллар, яъни сифатдоши, инфинитив, равищдошлар – бошқа сүз туркумига қараб силжиган феъллар.

А.Хожпев эса уларни худди шу жиҳатдан тубапдагича гурухлаган:

- 1) Мұстақил феңлар: ҳаракат билдирадынан, мұстақил маңын аңглатадын, гапнинг бирор бұлғын бұла оладынан, бирор сұзини бошқарадынан, объектті мүносабаттың күрсасы оладынан, грамматик категорияларға зәң бұлған феңлар. Масалады: У олий мактабни атында бақолаптағы *бистерди*.
 - 2) Ёрдамчи феңлар: ҳаракат билдirmайдынан, мұстақил маңынан зәң бұлмаган. Улар үз ичида яна 3 турға ажратылған:

а) сүз ясашынан хизмат қилювчи – ва боғлама вазифасынан болжарувлы феңерләр: *бұл*, *қын*, *эт*, *айла*. Олар тәжілдегі оид фармонлар талабаларынан хурсанд қылмокта.

б) күннімча маңын ифодаловчы ёрдамчи феъллар: *ұқиб чиқмоқ, ухлаб қолмоқ* кабилар. Булардаги иккінчи қисм сипатида ишгирок зтаёттан феъллар аналитик шаклни ҳосил қилаёттан *күмакчи* феъллардир..

в) тұлықсız феъллар: *эди*, *экан*, *эмши*, (Дарслық, 1980, 326 – б).

Кўришиб турибдики, ҳар икки жиҳатдан ёнданув ҳам асли ўзбек тилидаги феъл шаклларининг ўзига хос хусусиятларини таъсифлаяшти. Бироқ муаллифлардан ҳар бирининг нуқтаи назарларини ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўриш ўринши бўлади.

Аммо таъкидлаш жойзки, ҳар икки ицда ҳам, фетълиқнинг ҳамма

хусусиятларини тұла сақлаган феъмлар – "соф феъллар" (А.Г.Гуломов) билан феълликдан бир оз узоқлашған, бошқа сүз туркумлари шынындағы баъзи хусусиятларига эта бўлған, аммо феълга хос бир қатор категорияларга эгалиги сабабли феълнинг айрим вазифавий шакллари (функционал формаси) сифатида талқин этилаётган ҳаракат номлари, сифатдош, равишдошлар ҳам алоҳиди ўрганилган ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган. Демак, феълнинг кўринишлари асосан 4 та:

1. Соф феъл.
2. Ҳаракат номи.
3. Сифатдош.
4. Равишдош.

ИККИНЧИ МАВЗУ ФЕЪЛНИНГ ВАЗИФАВИЙ ШАКЛЛАРИ

Ҳаракат ҳолат мәғносини билдирувчи сўзлар доирасидаги барча лексемалар ҳам бир хил даражадаги қийматта, функционал – семантик табиатта эта эмас. Улардаги бундай алоҳидалик феъл шакллари ҳосил қилишида, парадигматик ва ионарадигматик жиҳатлар фарқланганда, у ёки бу обьектни бошқарганды кўзга ташланади. Шунингдек, соф феълларга хос бўлган грамматик категориялар татбиқи ҳам улардаги фарқларни кўрсата олади.

Феълнинг маълум бир вазифа учун хосланган кўринишлари феълнинг вазифавий (функционал) шакллари дейилади. Бундай шакллар З та: ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош. Булардан ташқари, ҳаракатнинг турили хил сифатларини кўрсатувчи, модал маъноларни юзага чиқарувчи "СУБЪЕКТИВ БАҲО" шакллари ҳам бор бўлиб, улар нутқда ё синтетик шаклда, ё анализик шаклда кўзга ташланади (булар ҳақида алоҳида тўхталашимиз).

Ҳаракат номи ҳаракат ва ҳолатнинг номини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилида феъл ўзак – негизларидан – /и/ш, – мок, – у/ш/ аффикслари ёрдамида ясалган феъл шакллари ҳаракат номлари деб юритилади. Улар феълнинг отта қараб силжиган шакли сифатида тавсифланади, "нокатегориал форма" деб ҳам юритилади. Бу масала бир қатор илмий изсларнинг маизуси бўлган.

А.Г.Гуломов, А.П.Хожиев, Н.Абасқаков, А.Н. Коноплиарининг монография ва грамматикаларида, Ф.Исҳоқов, К.Мелиев, Х.Неталиева кабиларнинг маҳсус ишларида бу масалага оид муҳим назарий фикрлар баён қилинган. Бироқ бу борада ҳам турли талқинлар, фарқли фикрлар учрайди. Масалан, терминалогик номувофиқлик, айни бир ҳолатни ҳар хил тушунишилик ва б.к. Чупончи; Ф.Г.Исҳоқов = *иш*, = *моқ*, = *ув* ли формаларни от деб талқин этиб, уларни феълдан от ясовчилар сифатида ўрганиш керак, деган қарашни илгари сурадики, бу фикрга қўшилиш қийин. Бундай қарашнинг мазкур феъл шаклига нисбатан потўрилиги тилларослар томонидан таъкидланган, албатта (К.Мелиев. Ҳозирги туркий тилларда ҳаракат номлари. 5, 6 -бетлар).

Ҳаракат номлари икки томонлама хусусиятта эга: ҳам феъллик, ҳам отлик. Хусусан:

1. Ҳаракат номлардаги иш – ҳаракат, ҳолат предметлантирилмаган ҳолда ифодаланиди: ўқун, ёзиш, ёзмоқ.

Аммо "ёзунинг ёмон" бирикувидаги "ёзув" шаклига нисбатан бундай маънони нисбат бериб бўлмайди: бу шакл отта силжиган, турланган, полифункционал бўлиб, хат ("почерк") тушунчасини беради.

2. Ҳаракат номлари нисбатни, ўтимли – ўтимсизликни, тур(вид)ни кўрсата олади: ёзиш – ёздириш, ётиш – ётқизиш, ўқиш – ўқитиш – ўқиттириш, тортиш – тортқилаш, титиш – титкилаш. Бу мисолларда нокатеридал форма ясовчилик табиати аниқроқ кўринада.

3. Объектни бошқаради: *хатни қалам билан ёзиш*, маҳсус адабиётларни қунит билан ўрганиш...

4. Ўз субъектига эга бўлади: Биз университет Низомига риоя қиламогимиз лозим...

5. Равиш ёки равишдошлар ёрдамида аниқланади: ўйлаб гапириш керак, яхши ўқини керак...

6. Бўлишсизлик шаклида ҳам ифода этилиши мумкин: *келиш – келмаслик* каби.

7. Отлар сингари турлана олади, аммо предметлик тасаввурини эмас, иш – ҳаракат тасаввурини беради. Мисоллар: Ҳамма гап аҳлоқли бўлишига. Одобли бўлиш керак. Чет тилини ўрганишга қарор қилдим.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракат номи шаклари = иш, = мөқ, = у/в, балъзан = лик орқали ясалади. Айрим ишларда эса қуйидаги сўз шакларига ҳам ҳаракат номи сифатида қаралади, аммо бу қараш муаммоли, мунозарали: -*гу//гу* (*олгум бор*), -*ганик* (*олганик*), -*диганик* (*олдиганик*), -*ётганик* (*олиётганик*), -*ажаклик* (*куражаклик*) ва б.к (К.Мелиев, 12–6). Бу шаклар таркибида замон кўрсаткичлари ҳам бор, улар ҳам маънини юзага чиқаришда интирирок этяпти.

—**мөқ** аффикси. Ҳаракат номининг бу шакли феълининг тоаниқ формасига – инфинитивга жуда яқин келади. Шунга кўра бу форма луғатларда феълининг бошлангич шакли сифатида берилади: "феълишиг тоаниқ шакли", "масдар" деб ҳам юритилади. Ҳақиқатан – мөқ ли шаклини инфинитив деса бўлади. Унинг –*да*, –*чи* қўшимчаларини олиб, тусланадиган шакларни юзага келтириши бунинг даили бўла олади: *ўқи – мөқ + да*, *ўқи – мөқ + чи*.

Аммо шуни автиш керакки, аслида инфинитив ҳинч – европа тиллари билан боғлиқ тушунча. У феълга ҳам, отта ҳам кирмайдиган, қандайдир ажраблиб қотган, феълининг "номинатив формаси" дир. У тусланмайди ҳам, турланмайди ҳам. Туркий тилларда эса бу хил сўзлар дөярли йўқ. Аммо "субстантив ҳаракат номлари" (Шчербак, 1977, 159–6) деб номланган гурухга кирувчи айрим формалар инфинитивга яқин туради. Бу кўрсаткичининг этмологияси ҳақида турли хил қарашлар бор:

- *ма + – қ / < – қа // – ра – жун.к /* – А.Н.Кононов.
- *матъ / – мень* – Н.А.Баскаков.
- *м + – ақ (башақ)* – Г.И.Рамстедт.

Бу аффикс ҳозирги нутқда кам ишлатилади, –*иш* шаклига нисбатан. Унинг –*мак* шакли шеърий парчаларда кўриниш қолади. –**мөқ** ли форма ҳаракат номини атаб кўрсатади холос: *келмөқ* – ихтиёр билан, *кетмөқ* – ижозат билан.

Мөқ шакларига ҳаракат номлари *келиник*, *яғалик*, *куплик* қўшимчалари билан ишлатилади ва турли синтаксик вазифаларни бажараади. *Ўйламөқ* – яхши одам. *Бормөқ* – келмөқ – бу дунёнинг зийнати. *Олмоқнишг бермоги бор*. Биз етмаган умидларга келажак наслларнинг етмоги мумкин. Умуман, –**мөқ** аффиксида феъллик белгиси бошқалардагига нисбатан кучлироқ.

— /иши аффиксийнг этиологияси ҳосил түрлича қарашлар билдирилган: "эш" сўзидан (А.Н.Копонов), —ч кўрсаткичининг тараққиётидан (Ф.Абдуллаев), "иш"—"друг" сўзидан (Хангильдин).

Бу қўниимча нутқда икки вариантида ишлатилади: —иши, —иши. Унинг воситасида ҳосил қилинган сўз шаклари нутқда ҳаракат номинигина эмас, балки предметлантирилган тушунчалар номини ҳам ифода этади: ўтириш — зиёфат, таниши — аввалдан билган киши. Аммо бу каби ҳолатларга иисбатан замон тушунчасини ишлатиш мумкин эмас. Улар нутқда модал сўзлар билан (айтиши зарур), тўлиқсиз феъллар билан (биринчи келиши эди) қўлланади. Жонли сўзлашувда —лик аффиксими қўшиб ишлатиш учраб туради: айтишилик, дейшилик тарзида. Бу кўрсаткич янги ясалишларга асос бўлиб ҳам келади, чунки ўзидан сўнг —ли, —сиз, —дай, —ча, —даги, —чи қўшимчаларини олиб, бошқа туркум сўзларини ҳам ясади: мининшили, бўлишни, бўлишсиз, айтишича, ривожлантиришдаги, қатнашчи кабилар. Улар жуфт ҳолда ҳам кеңг қўлланади: таниши — билиш, юриши — туриш каби. Эгалик, келишик, кўплик қўшимчалари билан қўлланади: шига чиқишлари керак, боришим керак, зориқиб кутишлар ва бошқалар. Умуман, ҳозирги ўзбек адабий тилининг ҳам ёзма, ҳам оғзаки кўринишида фаол қўлланади.

— (у) в аффиксийнинг генезиси қўйидагича тавсифланади:
= (и) i// = (и) r = —ry / —ru < —iy < uy < y < в . Қиёсланг: сотиг (тари — хан) — сотувчи (ҳозирда). Ҳозир айрим туркӣ тилларда шунга яқин шакллар учраб туради. Масалан: уйғур тилида "ўқигучи, тургувчи..." — в шакли ҳаракат номлари замирида бошқа ясалмалар ҳам ҳосил қилиниши мумкин: ифодалончи, айтувчи, аралашувчисиз, эгулювчан, изланувчан каби. Бундай кўринищдаги сўзлар ҳам турланади: эришувларига, алмашинувшининг ва б.к. Бироқ —/у/в ли шакл —/и/ш га иисбатан кам ишлатилади. Тарихан эса бунинг акси: — у / в китобийроқ.

СИФАТДОШ - ҳаракат белгисини атрибутив йўл билан ифодаловчи феъл шакли. Бу атама тилшунослагимизда 1938 йилдан бўён ишлатилади. А.ГГуломов бу феъл формасини З туркум ўргасидаги ифода деб баҳолайди ва унинг таркибига (яни термин маъносига) сиф + от + дош деб баҳо беради. Бошқача айтганда, сифат, феъл, от билан ёндош шакл деб изоҳлайди. Туркологияда бу соҳада кўплаб ишлар қилинган, ҳар хил қарашлар айтилган: Н.К.Дмитриев, Н.Л.Баскаков, С.Н.Иванов, И.И.Мешчанинов, Р.Жуманиёлов,

В.Алиев кабиларнинг хизматлари катта. Айниқса, А.П.Хожиев билдирган қарашлар диккатта молик.

Кўпчилик грамматик гибридизация ҳосиласини тушунгани. Аммо айримлар мустақил сўз туркуми ҳисоблаш тарафдори бўлишган (И.И.Мешчанинов, Р.Жуманиёзов).

Сифатдош ҳам феъллик, ҳам сифатлик белгиларига эга бўлган феъл шакли. Ҳаракатни асосан предметларнинг белгиси, хусусияти қилиб кўрсатадиган феълнинг вазифавий шакли сифатдош дейилоди: *ўқиган бола, кулган қиз, олинагиган ҳосла...*

Сифатдошнинг феъллик белгиси қуйидаги ҳолларда кўзга ташланади:

- 1) маъносидан ҳаракат тушунчаси англашилади: *у кеч келган*,
- 2) соғ феълларга хос бўлган замон, даража, бўлиши – бўлишсизлик маъносини англашиб, унга хос шаклларда нутқда қўлланади: *борганиман, у борар, бормаган* ва б.к.
- 3) бошқариш хусусиятига эга: *хонани кўрган, ҳовлидан ўтияётган* ва ш.к.
- 4) предикатив вазифада ишлатилади, тусланиди ҳам.

Сифатлик белгиси эса қуйидаги жиҳатларида кўзга ташланади:

- 1) кепт маънода предмет англатувчи сўз олдида қўлланиб, унинг белгисини таъкиддашга хизмат қиласди. Бу предметлар жонли, жонсиз бўлиши мумкин: *ўтирган меҳмон, кўчага қараган ойна...*
- 2) синтактик вазифаси аниқловчи бўла олади: *гуллаб–яшнаётган ўзбекистон...*
- 3) статик – тургун ҳолат ҳам англашилади, яъни бу хусусият ҳам сифатий жиҳати устунилигини кўрсатади: *анҳор лабига қурилган бино, қиздирилган ёр...*

Мавжуд ишларда сифатдошига хос у ёки бу хусусиятлар алоҳида берилмаса – да, лекин унинг ўзига хос табиати қайсиdir бир жиҳати билан ажралиб туриши таъкидланадики, қуйида шулар ҳақида ҳам бир оз тўхталамиз.

Сифатдош шаклини ҳосил қилувчи грамматик кўрсаткичлар асосан бир хил талқин этилса – да, уларнинг айримларини изоҳлашада фарқли жиҳатлар учрайди. Чунончи, сифатдош кўрсаткичлари сифатида асосан қуйидагилар кўрсатилади: *–ган* (*–кан, – қан, –ған*), *–гурган*, *–ётган*, *–р*, *–ар*, *–ажак*. Бирор *–гувси*, *–гувси*, *–увчи* шакллари ҳам шу қаторда саналган манбалар бор: келгуси авлод, бўлгуси иш, бошловчи киши,

сөхрловчи қиз кабилар. Бизнингча, кейинги ҳолатларда ҳаракат номи шаклари ҳам бордай.

Уларниң инкор шаклари эса асосан, —ма аффикси ҳамда —май, —мас воситалари орқали ифода этилади. Мисоллар: *бўлар*, *бўлмас*, *борган*, *бормаган*, *бораётган*, *бормаётган*, *борадиган*, *бормайдиган*, *боражак*, *бормаяжак* ва б.к.

А.Х.Хожиев сифатдошли формаларни яна үзига хос тарзда 2 турухга бўлиб тавсифлайди:

1) категориал форма шаклида. Буларга *ўқиганиман*, *ўқиётган* эдинг, *ўқийдиган* *бўлсинг*, *келарман*, *ўқирсан* кўринишидаги шаклар киритилади.

2) покатегориал форма шаклида. Буларга *ўқиган бола*, *ўқиётган бола*, *борар уйинг* каби ифодаланишлар киритилган. Бундай таснифлашда сифатдошлиарниң синтактик табииати ҳисобга олинган: предикатив футиқия бажарган ҳолати билан атрибутив вазифа бажарган ҳолати қиёслаб, таъкидланган.

Сифатдошлиар билан ифодаланган содда кесимларниң табииати ҳам үзига хос. Буни айрим тилшунослар от — кесим ҳисобласа (М.Закиев), батъзилар (И.Расулов) феъл — кесим ҳисобланади. Куйидаги гаплар таркибидағи кесим шакларига ва уларниң маъноларига диққат қилинг: *ширкатга имконият берилган*, *бола ювинган*, *уй жиҳозланган*, *сен айтгансан* (*сен айтибсан*, *даражтлар кўкарган*), *даражтлар кўкарибди*, *гуллар очилган* (атов гап бўлиб келяпти).

Чуваш тилидан ташқари барча туркӣ тилларда — гап ва унинг фонетик вариантилари упумли қўлланади. Унинг этиологияси қуйидагича: *-ган* // *-ан*, *-ган* < *-ан* < *-и*. Мисол: *келган* — < *гелан*.

-диган шаклининг келиб чиқиши "турған" сўзига боғланади: *тутамайтурған* (А.Қодирий) — *тутамайдиган* (ҳозирда). Айрим шеваларда, батъзи туркӣ тилларда ҳам бу шакл *-ажак* ўрнида ёки у билан баравар қўлланади: *кўрилажак* иш — *кўриладиган* иш.

Қиёслант, гиежек (кийим маъносида), *кесежек* (пичноқ маъносида). Аммо бу икки шакл ўзаро фарқланади ҳам: *-диган* —*а*, *-й* шаклни равишдошдан сўнг қўлланади. Ўзбек тилида *-ажак* фақат келаси замонни билдиради. *-диган* эса ҳозирги — келаси замонни + қатъий келаси замонни ва батъзан умумзамонни ҳам аниглатади: *қўшиқ айтиб ўтадиган* *кўча*, *ёзмайдиган* қалам. Бу шаклларда отланиш кучсизроқ: режани *тўлдирадиган* озми?!

Алмо башқарып хусусияти ҳам күзга ташланади: *шораны яхши күрадиган рашнлар бор.*

Сифатдошларнинг замони нисбий. Улардан ҳар бирининг махсус ясовчилари йүк. Бу ҳолат —*ган* қүшимчасининг қаңдай асоста бирикишига болғык;

хозирги замон шаклидаги асос бұлса, хозирги замон сифатдоши ҳақида гапирилади: *ұқиёттан*; хозирги — келаси замон асос бұлса, хозирги — келаси замон сифатдоши бұллади: *ұқиідиган, бора—диган*; замон күрсаткичи бұлмаса, үтгән замон бұллади: *айтган*.

—*р*, —*ар* шакларнинг ҳам үзига хос құлланиш хусусиятлари бор. Масалан: 2 хил вазиға бажариппі: атрибутив ва предикатив.

Мисол: *ұсма кетар, қош қолар; умр — оқар даре; күз ёши оқар эди...* Демек, шаклий гибридизация, семантик дифференциация асоси матний ҳолатдир.

РАВИШДОШ — феълнинг равишга ёндош шакли, уннинг табиатида ҳам равишлик, ҳам феъллик хусусияти бор. Асосан, ҳаракатпен қай тарзда бажарилиши билан болғык бўлған белги — ҳаракатни англатади. Равищдоши шаклининг семантик — грамматик хусусияти ҳақида фикр юритилған ишлар йўқ эмас. Масалан, М.Аскарова, Б.Сайимов, М.Хамраева кабиларнинг ишлари шулар жумласидан. Бу ишларнинг баъзиси тавсифий ҳарактерда бўлса, айримлари қиёсий аснода ёзилған.

Хозирда құлланилаётган барча дарслік ва құлланималарда баён этилған фикрлар бир — бирига яқин ва бир — бирини тұлдиради: улар асосан формал — грамматик таҳлилдан иборат. Равищдош шакллари асосида юзага келған бирикувларнинг, хусусан, оборотлар (қурилмалар)нинг күринишлари ҳали чуқур таҳлилга муҳтож.

Равищдошларни тавсифловчи асосий хусусиятлар:

1. Ҳаракат тушунчасини англастиши;
2. Даража (нисбат), бўлишли — бўлишсиз шаклларда ишлатилиши;
3. Бониқа сўзларни бониқара олиши;
4. Қўшма феъл таркибида етакчи қисм бўлиб келиши;
5. Етакчи ва кўмакчи феълни боғлаши;
6. Тусланиши, байланыс тусланымаслиги — булар асосан феъллик табиати билан боғлық;

- Феълга боғланып, ҳаракаттн иккинчи бир ҳаракаттннг белгиси сифатидаги күрсатушы;
- Күпроқ ҳол вазифасыда келиши;
- Баъзап даражалары билан қўлланиши.

Бадий асар номларини ифода этган қўйицаги матнларга диккат қилинг ва шу ўринда қўлланган равишдошларни семантик, грамматик жиҳатдан тавсифланг: "Баҳор келди сени сўроқлаб", Сарик девон миниб", "Нур қидириб", "Лйлагач", "Асрға татигулил кун", "Чулғаниб"...

Равишдош махсус грамматик кўрсаткичлар воситасида ҳосил қилинади.

Бу воситалар шакла ҳосил қилувчи қўшимчалар сирасига кири-тилган. Улардан ҳар бирининг ўзига хос қўлланиш ўринлари, вазифалари бор. Булар қўйицагилар: =/и /б, =/а/ й, гач / = кач ,=қач, гани/ = гунича / = кунча ,=қунча, / = гунича , = гани / – кана , қана , – гани

Мисоллар: ўқиб, ўқий, ўқигач, ўқигуница, ўқигани...

Буларнинг батзилари тусланса (–иб, –а, –й), айримлари туслапмайди (–гач, –гунича...), улар нутқда якка ҳолда ҳам, жуфт ҳолда ҳам ишлатилади: Кела овқатга ўтирги. Юра–юра ўрмонга етиб келди. – гунича ва –гани шаклларидан ташқари, бошқа барча шакллари бўлишсиз формада ҳам қўллана олади: ўқиб–ўқимай, ўқий–ўқимай, ўқигач, ўқимагач–ўқимай, ўқимасдан–ўқимаган ҳолда ва б.к.

А.Хожиев –гудек қўшимчасини равишдошларга яқин ҳисоблайди: арзигудек ютуқлар, бошимни ёргудек каби. Ишларда равишдошларнинг замони маъносини англатиб, тусланиб келган шакли категориал форма, равишлик белгиси бор бўлиб, ҳаракаттннг пайти, мақсади, сабабини англатса, покатегориал форма сифатидаги баҳоланганди.

Категориал шакл: муҳташам бинолар қурилибди. Келажакка умиқ билан қараймиз.

Покатегориал шакл: шошиб ганирмоқ, ишлай–ишлай чарчамоқ, қўра қочмоқ, қўргани келмоқ...

Қиёсдан кўриниб турибдики, биринчи ҳолатда предикативлик, иккинчисида эса атрибутивлик кучли.

Кўйицаги жумлалар таркибига, маъноларига диккат қилинг ва мулоҳаза юритинг: Ўйга кириб чиқ. Ўйга чиқиб кир. Ҳовлига чиқиб кир. Ҳовлига кириб чиқ. Болага қараб тур. Болага турниб қара. Сен қараб тур. Ҳали қараб тур... Эшаттириб ганирниб кинаи қулониб ўйнаб



кетди. Илдам кириб, олдинга ўтиш-да, гапира көнди. Құн чопди. Боргунчa ашула айтшиши. Овқат сузилгунчa келаш. Овқат сузилгунчa қолди... Күп гапирғунчa, күп ўқиши керак. Күз күрмай, күнгил сезмас.

Матидаги құлланишлардан күришиб турибиди, грамматик шаклланған ҳар бир равищдошыннig аниқ мағыноси у қатнашған матнға узвий болғық. Шунинг учун ҳам тиалунослар баъзи шакллар англаттан мағынога турлича баҳо ҳам, ном ҳам берилади. Чупончи, — гали, — гани шаклидаги форма 4 хил номланған: истак равищдоши (В.В.Радлов), эрищув равищдоши (П.М.Мелиоранский), мақсад равищдоши (В.В.Решетов), келаси замон равищдоши (М.Мирзаев ва б.). Айрим туркій тилларда эса бу шакл умуман құлланыласлығи билан ҳарактерләнди. Масалац, татар тилида: ичарга — ичгани (ўзб.т.). Ёки құлланса ҳам, мағыноси бошқа бўлиши мумкин. Ўзбек адабий тилида асосан мақсадни англатса, айрим шеваларда (Хоразмда) пайт ҳам билдириллади: сен гелали бир йил бўлағи. Инкор шакли эса йўқ. Қозоқ тилида эса инкор шакли ҳам учрайди: санамагали. Бироқ кам ишлатилади.

Демак, фетіл равищдоши шаклининг ифодаси бой бўлмаса ҳам, вазифаси кенг.

УЧИНЧИ МАВЗУ ФЕЪЛ КАТЕГОРИЯЛАРИ ШАХС – СОН КАТЕГОРИЯСИ

Ўзбек тилүнунослигида фетілга хос грамматик категориялар бир қадар ўрганилган, уларнинг шаклланиши, семантик жиҳати, грамматик вазифалари, услубий имкониятлари, таснифланиши аңча кенг ёритилған: ўплаб мақолалар, рисолалар, тадқиқот ишлари ёзилған. Булар сирасида айниқса А.Гуломов, А.Хожиев, С.Фердаус кабилар билан баробар Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиев, Н.Маҳмудов, Р.Расуловлар ҳамда Ё.Тожиев, М.Аъзамова, С.Султонсаидова, С.Маматқуловларнинг бир қатор ишларини ҳам күрсатиш ўринли. Чунки булярнинг ҳар бирида феълнинг у ёки бу категориясига даҳлдор долзарб муаммолар қўйилған бўлиб, ўзига хос тарзда ечилаған. Қуйида бу категориялардан ҳар бирининг формал – семантик ва грамматик хусусиятлари ҳақида тўхталашимиз.

Феълда шахс васон. Шахс категорияси ҳаракатнинг сўзловчига муносабатини билдирилади. Шахс эса баъзи феълларда аниқ (ўқийман), баъзиларида ноаниқ (дарс бўлмасмиш дейишити) бўлади... Шахс мағыноси

махсус шаклий ифодалар орқали кўрсатилади. Бу категория сўзловчи, тингловчи ва нутқ жараёнида иштирок этмаган учинчи томонни англатади. Шу учлик З шахс борлигини кўрсатади. Хусусан: I шахс — нутқ субъекти ҳаракатини, II шахс — суҳбатдош—тингловчи ҳаракатини, III шахс эса нутқда йўқ киши (шахс ёки предмет) ҳаракатини кўрсатади.

Ҳаракат битта ёки бир нечта субъект томонидан бажарилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу категория бирлик ва кўплик шаклларига зга бўлади.

Шахс категорияси ҳақида ганирганда грамматик шахс ва бажарувчи шахс тушунчаларини фарқлашп керак. Қиёсланг: ўқиймал, ўқийсан, ўқийди. Бу каби шаклларда бажарувчи — шахс: ишнинг учун ҳам улар шахсли феъллардир. Бироқ "китоб ўқилди" дейилса, бажарувчи шахс ноаник бўлади, гарчи грамматик шахс (III, шахс) аниқ бўлса ҳам. Ўз навбатида, булар шахссиз феъллар ҳисобланади. Яъни бажарувчи эсламмайди. Шуни таъкидаш ўринлики, ўзбек тилидаги айрим феъллар фақат III шахс шаклидагина қўлланади. Бу уларнинг лугавий — семантик маъноси билан бўлгани, лабатта. Масалан: *Қор ёғди. Шамол эсан*.

Шахс маъноси уч йўл билан ифодаланаади:

1. Синтетик: ўқи-ди-м; *Ўқи*
2. Аналитик: у ўқиган; *Ў* + *қи* +
3. Арабаник: мен ўқидим. *Мен* + *қи* + *дим*

Хатто шахсли феълларда ҳам шахс доим аниқ бўлавермайди: *бугуни қор ёғаги дейшишти* (одамлар). Баъзан эса умумиахс маъноси англашилади: *мана буни одамийлик дейдилар. Ишламаган — тишламайди*.

Ўзбек тилида шахс маъноси кўчган ҳолда қўлланади ҳам. Масалан: *Болалар, биз дарсларга унча аҳамият бермаймиз, (ўқитувчи пурқидан)*. Аслида, сиз аҳамият бермайсиз дейилмоқчи. Яна қиёсланг: *Юрамиз—юрамиз, имтиҳонга келгач, шошиб қоламиз. Мақолани биз ёздик. Талабаларнинг жавобини эшишиб, қувонасан, киши. Онанд үргилсан! Ойнимиз айтдишлар. Эшон поччам ўзлари, қаро бўлсин юзлари*. (Х.Х.).

Келтирилган мисолларнинг деярли барчасида шахс — сон маъноси кўчган.

Тусланиши — феълининг шахс сон, замон қўшимчаларини олиб ўзгариши. Шу қўшимчалар тусловчилар ҳисобланади: ўқи-ди-м. Тусловчилар сўздаги ўрнига кўра феъл ясовчилардан кейин жойланади. Бироқ,

айримлари феъл ўзагига бевосита бирикади ҳам (бор + ай). Тусловчилар 2 хил шаклга эга: 1) тұла шакл: *бор—a +ман*; 2) қиска шакл: *бор—ди+м*. Асли биринчи шакл қадимий деб қаралади. Буларнинг фарқи I ва II шахсдагина. Шунингдек, қисқа шакллар фақат феълларғагина бирикади, тұласи эса, феълдан бошқа сүз туркумларига ҳам құшила олади: *талаабаман, онаман, яхшаман, үзимман...* Демек, тусланиш феълдан бошқа сүз туркумлариди ҳам күзатылади. Қиёсланған: *мен согман*. У касал. *Ойим бардамлар*. Күриниб турибидики, булардаги отлар (кейг мәниода) предикативлик белгисини олган ва эга — кесим мослашган.

I ва II шахсдаги тусловчилар шаклан отлардаги турловчилар билан тең, аммо ҳозир улар ўзаро омонимик муносабатда, гарчи тарихан бир мәнбага бояланса ҳам. Қиёсланған:

I шахс: она + м, айтди — м

II шахс: она + нг, айтди — нг

III шахс: она + си, айтди — 0

Айрим тусловчилар бошқа шу шаклдаги аффикслардан үргу орқали фарқланади: *бона — сиз* (үргу ўзакда әмас), *бона — сиз* каби (үргу — ўзакда).

Тусловчиларнинг бир тури замон (-ди), иккинчи тури шахс-сон (-м) билдиради. Шахс сонсиз бўлмайди. Шунинг учун шахс-сон қўшимчалари деб юритилади.

Тусланиш нарадигмасида баъзан III шахс маҳсус қўшимча олмайди. Шунинг учун ҳам асосий тусланиш пойдевори III шахс деб қаралади. Ўзбек тилида 3 хил тусланиши, 3 тур тусловчилар фарқланади:

I ТУСЛАНИШ

I — ўқи — ди — м, ўқи — ди — к

II — ўқи — ди — нг, ўқи — ди — нгиз

III — ўқи — ди — 0, ўқи — ди — лар

II ТУСЛАНИШ

I — ўқи — й — ман, ўқи — й — миз

II — ўқи — й — сан, ўқи — й — сиз

III — ўқи — й — ди, ўқи — й — дилар

III ТУСЛАНИШ

I — ўқи — й, ўқи — й — лиқ

II — ўқи — 0, ўқи — нгиз

III — ўқи — син, ўқи — синлар

Умуман, фетъларда шахс-сон кўрсаткичлари кўп, улар турли вазифаларни бажаради, грамматик томондан полисемик, чунки, бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлиқ бўлган замон, майл, шахс-сон маъноларини ҳам англатга олади. Шунинг учун ҳам услубий мақсадларда кенг қўлланади (Унинг бу хусусияти М.Содиқованинг "Феъл стилистикаси" номли ишида батафси ёритилган). Айрим мисоллар мазмунига диққат қилинг:

1. *Уринмасимлар, ҳоним* (Ҳаким Назир) – шахс алмаштирилашти.
2. *Сенгай қирчилама йигит уйга ўтирасин–да, ... Норбой ота қўй боқсинми?!* (П.Қодиров) – кинояни бўргтириши.
3. *Тушунагиган одамнинг садагаси кетсанг арзинди* (А.Қаҳҳор) – субъектив муносабат.
4. *Сизга гапиришини ким қўйибди* – умумшахс англатувчи турғун ҳол.

Яна ўзингиз қиёслаб кўринг:

1. Ҳа, ўлдингми, иккита меҳмонни кутиб олоиласанг. Ҳе, зиқналигинг қурсин ("Муштум")
2. "Садағанг бўлай, командир".
3. Бундай бўлишини ким билиди.

ТЎРТИНЧИ МАВЗУ ФЕЪЛЛАРДА НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ

Мазкур мавзу ўзбек тилишунослигида бир мунча кенг ўрганилган бўлишига қарамай, унинг айрим муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. 1975 йилда Санкт-Петербургда бу муҳим масалага бағишланган анжуман бўлиб ўтган ва унда турли системага мансуб тилларнинг синтаксисида структур-типологик методларга таянган ҳолда ўрганиш масалалари ўртага ташланган эди. Аниқроғи, фетъл нисбатларини валенгтилик назарияси асосида ўрганиш унинг кўп томонларини ёритишда ҳал қилувчи омил бўлиши таъкидланган эди. Лекин ҳозирги кунда ҳам, бир қатор ишилар қилинган бўлишига қарамай, бу категория ўзи – кесил ўз ечимини топган дейиш қийин. Чунки муаммонинг ўзи мураккаб бўлиб, у ўтимли – ўтимсизлик, каузатив, шахс-сон, фәол ва нофаол тузилмалар масалаларининг ўзаро боғлиқ чигал тутунидан иборат. (М.Аъламова).

Бонка туркумларга хос сўзшакллардаги каби фетъл сўз шакллар ҳам лексик семантикалар маддий қисм ва грамматик семантикалар шаклий қисмлардан иборат. Фетъл сўзшаклининг шаклий қисми мураккаб тузилиши

билин ажралиб туради: шунга кура унинг асосин тағизғаси ҳам мұраққаб бұлиб, феталнинг моддий қисмігә пүткі ичіда төршілі предикативлик шаклини берішдан иберат. "Предикативлик ганнинг грамматик маңысонасын ташкил қылады: ганды модаллік, замон, шахс-сон категорияларининг маңындары ганнинг формал томонларини ўзгартыши билан юзага келади" (Гуломов А., Асқарова М. – Дағыс). Нисбат күрсаткічлары ҳам гап түзилишини ўзгартыши, муайян нисбат талабига мөс келувчи гап андозасини түзиш лаेқати билан сұзшаклнинг қурилишида мұхим үринни эгаллайди. Мисолларни қиёсланд (ҳам шаклига күра, ҳам мазмұннанға күра):

1. Завод директори илғор ишчиларни табриклиди.
2. Илғор ишчилар завод директори томонидан табриклиди.
3. Илғор ишчилар табрикланди.

Демек, нисбат категориясина алоқида тавсифланып, таҳлил қилиш, унга хос грамматик күрсаткічларни қиёсланып, уларнинг бошқа категорияларға борлықтарини үрганиш ўзбек тили грамматикасинаң долзарб мұаммоларидан бири бұлиб қолаёттанғысада.

Феъл нисбатлары тушунчасыга нисбатан түрліча атамалар құлланған ва ҳамон айримлари ёнма – ён құлланып келеді: *буб, қаратта, даража, нисбат*. Бироқ таснифлашда яқдиллік бордай, таърифлашда ҳам. Нисбат категориясига ҳаракат объекті ва субъекті үргасидаги мұносабатпен құрсатады, дея баҳо берилади. Ҳар бир нисбат шакли ўзига хос морфологик күрсаткічлар ёрдамыда ҳосил қилинаған, феталдан фетал шаклини ҳосил қиынланғанда үчүн шакл ҳосил қилювчилар сирасынан киритилади. Албатта, ясалған даража шаклары уларнинг бошланғыч ҳолаттарынан қарама – қарши құйылады. Шуннан үчүн ҳам ўзбек тиалашунослагыда яратылған сұнгги ишларнинг айримларында мазкур категория талқиннанда ҳам "нисбат", ҳам "даража" терминидан үринли фойдаланылады. Чунки нисбат ҳосил қилювчи құшымчалар юзага келтирған маңындағы силжишни, даражалапишины фарқлаш зарурати шуни тақозо этади. Мисолларни қиёслаб құраймын: *Мен бу тиалабан танидым* (бош нисбат). *Мен бу талаба билан танишдым* (биргалик нисбат). *Мени бу талаба билан дұстым таништируды* (орттірмалык нисбат). Талаба бизге таништирулды (мажхұллік нисбаты). Нисбат құшымчаларининг сұзшакл таркибида қайд этилиш миқдори билан бөрлиқ ҳолда юзага чиқадыған нисбат ўзгаришларининг "даража" термини билан юритилиши (М.Ағзамова) ҳам масалага янада ойдиппелк киритади. Шу жиҳатдан ёндашғанда нисбат шаклары тартиботыда 4 даража (босқыч)

ажраттилади: I даражада бош нисбат шаклларидан иборат, II даражада нисбатлари бош нисбатта бир нисбат кўрсаткичини қўшиш билан, III даражада нисбатлари II даражада нисбат шаклларига яна бир нисбат кўрсаткичини қўшиш билан, тўрттинчи даражада нисбат шакллари мажхуллик нисбати кўрсаткичини қўшиш билан ясалади.

Демак, мана шундай жойлашув феъллардаги нисбат катего-риясини ташкил этади. Уларни яна қўйидагича тавсифлаб кўрсатса булади:

I даражада нисбатининг кўрсаткичи йўқ; у фақат бош нисбатдан иборат: *ёздин, олди*.

II даражада нисбат кўрсаткичи сўзшаклда битта қайд этилади. У ўзбек тилида бошқа даражада нисбатларидан кўп, тўрт нисбатни (ўзлик, биргалик, орттирма, мажхул) бирлаштиради: *кўриндим, кўришидик, кўрсатди, кўрилди*.

III даражада нисбат кўрсаткичлари сўзшаклда иккита қайд этилади (орттирма ва мажхул): *таништиргим, танишишиди*.

IV даражада нисбат кўрсаткичлари сўзшаклда учта қайд этилади: *таништирилди*.

Францууз тилишуноси А.Тенъернинг валентлик назариясининг санкт-петербурглиқ тилишунослар томонидан ривожлантирилиши натижасида яратилган диатезалар назариясини қўллаш билан феъл нисбатларининг морфологик, синтактик ва семантик томонларини бир йўла ўрганиш имконияти туғилди. Диатезалар назарияси бўйича феъл кесим гап тузилишининг ўзаги, ядроси, гаппинг бутун тузилишини белгиловчи "калит" деб баҳоланади. Диатезаларни белгилашда эса икки юза — ҳам семантик, ҳам синтактик юза ва актантлар ҳисобга олинади. Валентлик назарияси билан диатезалар назарияси узвий боғлиқ. Феълнинг валентликлари миқдори ошиб боргага сайин шу феъл кесим уюнтира оладиган диатезалар миқдори ҳам ортиб боради. Масалан: *ташла* — феъл ижрочи (субъект) ва объект валентликларига эга. Унинг диатезаларини қўйидагича кўрсатиш мумкин:

1. *Бола тошни ташлади* — С 0 I II.
2. *Тош бола томонидан ташланди* — 0 I С II.
3. *Бола ташланди* ("ўзини отди" маъносида). У ҳолда: СП. 0 I йўқ.
4. *Бола ўртоги билан тошни ташлади* — СI С2 0 I II.
5. *Ўртоги болага тошни ташлатди* — С2 СI 0 I П

Диатезалар семантик юза ва синтактик юза бирлекларининг ўзаро мос келиши бўлса, феъл нисбатлари мана шу мосликининг феълдаги шаклий ва мунтазам ифодасидир.

Феъл предикатлик вазифасида қатнишган ҳар қайси таң тузилмасида муайян диатеза акс этган бўлади. Кесим нисбат кўрсаткичисиз феъл шаклида (бони нисбатда) бўлган гапларининг қурилмаларини бирламчи – асос қурилмалар дейиш мумкин: *Мен кўргум*.

Нисбат қўшимчаларининг ҳар галги қўшилиши билан диатеза тури ўзгариб боради: биргалик нисбати диатезалари; ўзлик нисбати диатезалари ва б.к.

Нисбат шаклларининг семантикаси ҳам ўзига хос табиятга эга:

- 1) феълнинг нисбат шакллари ҳар қандай феъл лексемадан ясалавермайди: ҳолат ифодаловчи ўтимсиз феъллардан камроқ ясалади: *тур* –, *ўтири*, *ёт* – (турилмоқ, тургизмоқ, ўтқизмоқ...);
- 2) феъл лексеманинг семантикаси исталган кўрсаткичини олавермайди: *мўраламоқ*, *эсмоқ* феълларидан нисбат шаклини ясан қийин;
- 3) нисбат шаклларининг маънолари ранг – баранг. Масалан: "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да *ташла* – феълининг қўлланишига хос ўпдан ортиқ маъноси кўрсатилган. Шулардан "ўзини отди", "ўзини ташлади", маъносидан ўзлик нисбатига хос "Арслон қўётига ташлаши", "Кечадан бери ҳеч нарса емаган Абдували овқашга ташлаши" ва "Биргаликда галма – гал ташламоқ" маъносидан биргалик нисбатига хос ("Мирбадал билан қошиқ ташлашиб ичинг) шаклларни ҳосил қилиш мумкин. "Ташла" – феълининг "ласаймоқ, кучсизланмоқ" маъноси (Бозор ташлади. Нархлар анча ташлади), "шигдат билан ёғмоқ" маъноси (Қор роса ташляяти), "оқсоқланаб юрмоқ" маъноси (У чашга бир оз ташлайди), ҳамда "шоҳ ташламоқ", "ўлигини ташламоқ" маъноларидан биронта нисбат шакли ясалмайди.

Илмий манбаларда медиаллик маъносини ифодаловчи сифатида талқин қилинган шаклларининг (-ик, -ик, -иши...) эса нисбат маъносига алоқаси йўқ. Зоро, бу ҳол илмда аниқ фарқлаб берилиши керак (медиаллик категорияси сифатида). Чунки бу шакллар гапнинг тизимида ўзгариш тудирмайди: ой тўлуши – ой тўлиши. Бироқ медиал шакллар ҳам лексемалашиши мумкин: чойга қонди, жавобдан қониқди, таклифга қўнди, шароитга қўниқди, маррага етди, кадрлар етишди, пишиб етилибди, ичи ачиди, кўзлари ачишди каби.

Нисбат шакллари ҳам лексикалашиши мүмкін. Бұнда сұз – шакллар таркибида морфологик қайта бүлиніш із беради: нисбат құшымчаси шаклдай қисмдан мөддий қисмға үтады: *керіл*, *излан*, *чиқаш*–, *илин*–, *ұлдир*–, *уріл*–. Аммо бу ҳолни аниқлаш жуда қийин.

Күйінде ҳар бир нисбат шаклига алоқыда – алоқыда тұхтаб ұтамиз.

1. **Бош нисбат (аниқ даража).** Ҳаракаттің эга билан ифодаланған шахс ёки предмет томонидан бажарилишини күрсатады. Унин мағсус морфологик күрсаткичи йүк. Шунинг учун оғын күрсаткичи нисбат шакли деб ҳам юритилади. Ү тәғаул шакл. Туб ва ясама, үтимсиз ва үтимли фетым лексемаларда күринаади. Масалан:

Емғир тиңди – СII тарзидаги диатеза.

Ғұзалар сувга қонди – С 0 2 II

Нури дерзсан оқиста ёпди – С 0 1 II

2. **Үзлик нисбат.** Бұнда субъект ҳам, объект ҳам бүлади. Үзлик нисбат шакллари үтимли феъллардан – *и/и*, – *и/л* құшымчалари ёрдамида ясалади, үтимсизлик із беради. Бу фикр фанимизда күп бора таъкидланған. Ҳаракаттің субъекттің үзиге қайтиши эслатилған: *яса-и-ди*, *беза-и-ди* каби. Бұнда ҳам үтимлидан ясалыб, үтимсизланиш із беріши күзатылади: *Саңға машинашын рулини бурды*. *Саңға бурилды*. Үзлик ва мажхұл нисбат ясовчилари формал тенг бүлгандығы сабабли, уларнинг мағыно жиһатдан фарқлары матн таркибида аниқланаади: *имтиҳонға тайёрланғы* ва *парсалар тайёрланғы* бирикувларини чөгіншіриң: *керилиб гапирды*, *әтик қолинга керилди*.

Мажхұл нисбатда эса ҳаракаттің объект томонидан бажарылышы ва субъекттә үтиши мағыноси аңглашилади. Үлар мажхұл қурилмаларни юзага келтиради. Бундай гапларда диққат объекттә қаратаған бүлади: *Дағтар Саңға томониңдан келтирилди*. Морфологик күрсаткичи үзлик шакли билан омонимик ҳарактерда. Одатда үтимли феълдан ясалади ва үтимсизге айланади. Қайси фонетик шаклни ишлатыш эса сұзның товуш таркиби билан бөглиқ: *сезилди*, *билинди*, *қурилди*, *күріндиди* ва б.к. Батызан үтимсиз феъл ҳам мажхұл шаклда құлланади: *ухлансын!* жім ётилсии! *борилсии!*.

Биргелік нисбатда ҳаракаттің бирдан ортық шахс томонидан бажарилиши күрсатылади. Морфологик күрсаткичи –*и/ш*. Унинг омонимик жуфтлары бор (сифатда, отда, феълнинг үзида): *талағабалар аудиторияга киришди*. Бу шаклдаги феъл ҳар хил мағыноларни аңглалады:

- а) ёрдамлашиш: *онасига қарашиб*;
- б) "төң қатнашиш": *у онаси билан иш қилиши*;
- в) үзаро биргалик: *она билан қиз узоқ сұзлашиб түриши*.

Орттирма нисбат шаклідаги феъл ҳаракаттннг восито орқали бажарилишини билдиради, үтимли феъл ясайды. Морфологик күрсат-кичлари: -тир, -дир, -тиз, -ғиз, -каз, -қаз, -т, -тар, -ир, -из, -сат ва б.к.: *келтирди, юргизди, томизди, кечирди...* Күринадики, бунда қурилма кенгаяди, орага сүз құшилади. Логик субъект күпинчә ифодаланмайды: *егирди, ичирди, аммо патижай яхши бұлмади*. Орттирма нисбат құшимчалари феъл үзагига бирдан ортиқ тарзда ҳам құшила олади: *ұқиттирди, ёздыртирди* каби. Айримлари эса синонимик табиатта зга: *егир-егиз, күрсат-күргиз, чиқар-чиқаз, кийсир-күйгиз...*

Феъл нисбати құшимчаларининг құшма ва жуғұт феълларда ишлатилиши ҳам үзига хос томонларға зга. Хусусан, үзлик нисбат аффиксининг етакчи феълга (күйиниб олди), мажұл нисбат аффиксининг ёрдамчи феълга (ёзиб чиқылды), баъзида биргалик ва орттирма нисбат ясовчиларининг ҳар иккала феълга ҳам құшилиши (*бақириб юборишди, ёздыриб юбортирди*) күзатилади. Албатта бу каби құллапашлар услубий жиҳатдан ажамиятлайды.

Кейинги йилларда ҳар бир нисбат шаклари түрли жиҳатдан тадқиқ қыллинган. Хусусан, орттирма нисбат шаклари каузативлик билан боялық тадқиқ қылынды (С.Маматқұловининг иши).

Француз тилида модаллик ва каузативликннг ифодаланишини текширган Е.Е.Корди эса А.А.Холодовичининг нисбатта "Нисбат феълда грамматик маркерларынан диатезадир" деб берган таърифи диққатта моликлягини таъкидлайды. Үзбек тилидаги бу ҳолат Р.Расулов, Н.Махмудовлар томонидан ҳам этилған.

БЕШИНЧИ МАВЗУ ҮТИМЛИ-ҮТИМСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Үтимли-үтимсизлик ҳам феъл нисбатлари категорияси билан узвий боялық. Лекин бу боялықтынннг сабаби ва можиятини изоҳлашда баён этилған фикрлар ҳар хил.

Феъл нисбатларининг алохыда категорияни ташкил этишига шубҳа билдирилмагани ҳолда, үтимлилік, үтимсизликннг феълларға хос хусусият

үзи үндән ортиң. А.Х.Сулаймоновнинг номзодлик диссертациясида ўтган замон шакли 22 га етади (1949 йил ҳимоя қилинганд) деб күрсатилган.

Юқорида тилга олинган ишлардаги таҳлил шунун кўрсатадики, кўп ҳолларда мантиқий ва грамматик ҳодисалар фарқланмайди ва шунинг натижасида турли хил бўлинишлар юзага келади. Худди шу нуқтаи назардан А.А.Коклянованинг баъзи бир тилшуносларнинг аналитик шакларни замон категорияси шакли деб қарашларига ҳақли равишда эътиroz билдиришини қувватлаш керак. Масалан, тилшунос Ж.Жўраева "мен боришим керак" бирикмаси келаси замонни англатади, деб ёзса, А.Коклянова бу қарашга қарши фикр юритиб, "-иш + шахс қўшимчаси + керак" ҳодисасини келаси замон шаклига тенглаштириш керак эмас, бу ерда логика ва грамматика қориширилган, деб таъкидлаганки, бу фикрга қўшилиш керак.

Демак, агар феъл шакларининг мантиқий ва матний ҳолатларини назарда тутиб таъриф берилса, унда турли хилдаги субъектив қарашлар, ҳар хиллеклар келиб чиқаверади. Ҳолбуки, проф. А.Хожиев ҳақли таъкидлаганидек, феъл замонларининг, уларга берилган ном-терминларнинг шу қадар турли - туман қилиб юборилишига ҳеч қаидай ҳожат ва зарурат йўқ ("Феъл", 133-6.).

"ухлайтчи" - апиқ ҳозирги замон шакли. Ҳолбуки, у мантиқан ўтган замонда бошланган ҳаракатни ҳам, давом этаётган ҳолатни ҳам, давом этиши мумкин бўлган ҳолатни ҳам англатиши мумкин (бироқ бу мантиқан).

Ўтган замон шаклари. Ўтган замон феълининг шаклари нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни ифодалашга хизмат қиласи. Ўтган замон феъллари морфологик кўрсаткичларининг ҳар хиллигига, ифода воситаларишиг фарқига, маъно фарқларига қараб турли кўринишларга ажратилади.

Аввало, ўтган замон феълининг синтетик ва аналитик шаклари фарқланади. Синтетик шакл -ди, -ган, -и/б аффикслари ёрдамида, аналитик шакл эса, тўлиқсиз феъл формалари ёрдамида ҳосил қилинади. Синтетик шакларда ҳаракатнинг нутқ найтига муносабати бевосита ифодаланади. Аналитик формаларда эса бавосита, яъни нутқ вақтини ҳам ўз ичига олган ҳолда ифодаланади.

Ўтган замон феълининг турлари:

Ўтган замон аниқлик феъли. Унинг ифода шакли: феъл ўзаги + -ги аффикси + шахс-сон аффикси: ўқидим, ёздим (шу парадигматик қатор

эслатилади ва шу қатордаги III шахс бирликнинг – 0 кўрсаткичли эканлиги таъкидланади, унинг омонимик кўрсаткичлиги эслатилади).

Бу шакл ҳаракатнинг бўлиб ўтганлигини қатъий тусда ифодалайди: *Мажлис бошланги*. У кетди. Бироқ, ўрни билан ишнинг давоми, такрорланганилиги, кетма – кетлик, тахмин каби маъноларни ҳам юзага чиқаради. Мисоллар: *Қани, кетдик. У келди, мен кетаман. Хўш, мен бордим, уни тополмадим, кейин нима бўлади?*

2. Тарихий ўтган замон феъли. Ифодаси: феъл ўзаги + ган аффикси + шахс –сон аффикси: *ўқиганман, ёзганман* (шу парадигматик қатор эслатилади). Бу шакл англассан маъно бўлиб ўтган воқсани аниқ шарж қилиши эмас, балки ишнинг бажарилганилигининг ҳозир аниқлиги. Демак, бунда асосий диққат ҳаракатнинг натижасига кўчгаи. У *кетган. Ёнгир тинган. Гўзани ўт босган. Ёзувчи билан учрашган...*

3. Ўтган замон эшитилганлик феъли. Ифодаси: феъл ўзаги +*б/и/б* аффикси + шахс –сон аффикси: *ўқибман, ёзибман...* (шу парадигма эслатилади ва III шахс бирликнинг –ди аффикси билан ишлатилиши айтилади. Қиёсланг: *борди – борибди*). Бу шакл асли мантиқан I шахсга эга бўлмаслиги керак эди, чунки у кимдандир эшитилганликни ифода этади. Бироқ, "кутилмаганда юз берган ҳаракат" (ухлаб колибман), "аниқлик феъли маъносида ишлатиш" ("ўтирибман – ўтирибман келмади ёки ўтиридим – ўтиридим келмади; бўлти – бўлди маъносида тенг келиши ҳам мумкин), эшитилганлик (меҳмоинга чақириб келибсан) маъноларини кўрсатади. Мисоллар: *Раҳмат, давлатимизга етарли машина бериб юборибди (Х.Г.). Ақлини шапибманки, шу колхозда ишлаб келяпман (С.АН.).*

4. Узоқ ўтган замон феъли. Ифодаси: тарихий ўтган замон феъли+тўлиқсиз феъл: *ўқиган эдим, ўқиган эдинг...* шаклий ўзгариш тўлиқсиз феъльда бўлади. Бу феъльнинг маъно хусусияти тўлиқсиз феъльнинг қайси турда бўлинингга борлиқ: тўлиқсиз феъл "эди" формасида келса, анча илгари бўлган ишни эслатиш, ишнинг аниқ бўлганилиги маъноси келиб чиқади: у *айтган эди. "Экан" шаклида келса, бошқача маъно касб этади: у айтган экан.* Матний мисол: Бизнинг йигитни ҳам, катта масофани пиёда босгани учунми, кун ҳийла бетоқат қилган эди (Ойбек).

5. Ўтган замон ҳикоя феъли: бу ҳам қўшима ифодаланади. Бунинг аввалгисидан фарки, бу шаклда фақат "эди"нинг ишлатилишида. Ифодаси: феъл ўзаги + равищдош аффикси + эди: *айтиб эди.* Бу шакл ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор вақтда юз берганлигини, илгариги вақтта оидлигини (...)

афмининг қанқалыгити күрасиз, део эди), муносабатни күрсатади (келиб эди—кеlewди, демаб эдимми—демовдимми), пайт аңглатади (энди күчига чиқиб эди — чиқувди) ва б.к.

6. Тугалланмаган ўтган замон феъли. Ифодаси: феъл ўзаги + -р/-ар/сифатдоши+тұликсиз феъль. Унинг маъноси, давомлилик (ұшишга қатнаш эдим), шарт (жашшаганимда, аявлароқ келар эдим), эслатиш (билар эди) каби маъно нозикликларини юзага чиқариштыр. Яна шуни құшимча қилиш керакки, бу шаклининг маъноси ҳам күпинча тұликсиз феълининг қайси шакли құлланишыга боғлиқ. Қиёсланг: борар эди, борар экан, борар эмиш.

(А Ҳожиев ёзаётган эдим, ёзаётіб эдим, ёзмоқда эдим, ёзгувчи эдим шакларини ҳам ўтган замон феълининг құшма ифодаси сифатида қайд эттә).

Хулоса шуки, құшма замон шаклидаги феълининг маъноси аввало асосий сұзининг қандай тұрда бўлишига, иккинчидан, тұликсиз феълининг маъносига боғлиқ. Құшма замон шаклидаги маъно шу воситалардаги мазмуннинг йиғиндицидан иборат бўлади.

Ҳозирги замон шакллари. Ҳозирги замон шакларининг асосий хусусияти ҳаракатининг нутқ сүзләшиб турған пайтда бажарилышини билдириш. Феълининг 2 тури фарқланади:

1. Аниқ ҳозирги замон феъли феъл ўзагига -яп, -ётір, -ётіб, -моқда аффиксларини құшиш билан ҳосил қилинади (равищдош аффиксидан сұнг): *бор-а-яп-ман, бор-а-ётірман, бор-моқда-ман, ёзаётібди*. Бу шакларнинг ҳар бири құлланинш даражаси, услубий бўёғи, маъно нозикликларига кўра бир-биридан фарқланади. Масалан. -моқда китобий, -ётір китобий—поэтик, -ётіб диалекталроқ, -яп — нисбатан фаол бетараф шаклдир.

Ҳозирги замон феълининг аналитик шаклари ҳам бўлиб, улар ёт, тур, юр, ўтирик мактаби феъллари воситасида ясалади:

ёзиб ётибман, душманлар пойлаб турибди... ,

хавотир олиб ўтирибман, шу ишни мұлжаллаб юрибман... .

Бу далиллар шу феъл шаклининг, хусусан, синтетик шаклнинг аслида аналитик форма бўлганигини ҳам тасдиқлайди. Қиёсланг: *бораётібди—боражити*. Яна қиёсланг: *Эртага пенсияга кетяпман*.

2. Ҳозирги - келаси замон феъли феълининг ҳамма турларига нисбатан ҳам кенг маънода — замон жиҳатдан умумийлик маъносида

құллана олиш хусусиятига зға. Масалан, *күз күраги*, қулоқ *әшитади*, ши *устасидан құрқади*, *пұлат әгилмайды*, *халқ олқышлауды*...

Ифодаси: феълнинг -а ёки -й аффикси орқали ясалған равищдош шаклига шахс-сон аффиксларини орттириш билан ҳосил қилинади ва ҳам ҳозирғи, ҳам келаси, ҳам умумзамон маңыноларини англата олади. Қиёслант: *мен университетде ўқийман*, ер үз үқи *атрофида айланади*.

Баъзан бу ифода бұлыб үттан ҳодисаларни ҳикоя қилинца ҳам үттан замон маңынси учун құлланиши мүмкін:... *раҳбарлар стол әннега келади* (кимдир гапириб беряпти). Бошқача айттаңда, бу үттан замон ичидаги замондир.

Келаси замон шакллари 2 турға бүлинади:

- 1) келаси замон давом феъли;
- 2) келаси замон гумон феъли.

1. Келаси замон давом феълнинг ифодаси: -а ёки -й орқали ясалған равищдош + диган формасидаги құшма аффикс ёрдамида ясалади: *борагиан-ман*: *мен кираган институт*. Буларнинг маңынси нұтқда аниқлашади. Биз тусланадиган ҳолатта нисбатангина замонни ишлатыпмиз, чунки иккинчи ҳолатдаги сұз тусланмайды.

2. Келаси замон гумон феъли: феъл үзаги + -р/-ар шаклли сифатдош ясовчи + шахс-сон аффикси. Бу феълнинг ҳозирғи замон үзбек тилидаги маңынси (кесим функциясыда) ишнинг бүлишінің таҳмини билан англаштыр: *у борар, ёзарман, үйлаб құрарсиз*.

Бу форманинг аниқлик маңынсаидаги құлланиши эски үзбек тилига хос бұлыб, баъзан шеърий услугуда учраб туради: *ялалар айттиб кезарман* (албатта кезаман маңынсаиды) – бу ҳозирғи замон үзбек тили үчүн мөнёр змас. Яна қиёслант: *-ажак* (боражакман), *-моқчи* (бормоқчиман), *-ур* (борурман). Тилишунос У.Турсунов буларнинг бирини аниқ келаси замон (*-ажак/-яжак*), келаси замон мақсад (*-моқчи*), келаси замон гумон (*-р, -ар*), келаси замон лозим формаси (*-диган*) деб гурухлаган.

Феъл замон шаклларининг күчган ҳолда құлланишларини ҳам айтғып үтиш лозим бұллади. Буңдай даиллар албатта маңылым сабаблар асосида юзага келади, бу эса услугий нұқтаи назардан үрганишни тақозо этади.

Демек, феъл шаклларининг замон түшүнчесини англатиші шутқ жараённега нисбатан 2 хил тусда бұллади:

1. Аниқ бұллади: *үқиди*, *ёзаёттир...*
2. Маньым бұллади: модаллік, экспрессивлік билан бөглиқ бұлған

ФЕРДА ШАКУЛАРГИНИЦИ, АЛТИНСОЙ, АНАМЫТЫК ШАКУЛАРГИНИЦИ – БИНОН – ЕХАДАУЫЗАДАРДЫ
КҮШИНЧА МАВХУМ БҮЛӘДИ: *мүкофотта сазовор бұлса әди. Түйни күзде*
ұтқазмоқчы әди ва б.к.

Қүйнідеги матиний мисоллар мазмунига эътибор беринг:

1. *Эртадан пешсияга чиқялман* (чиқаман).

2. Уруш талаб қилиб чиқсан Авағхон, бир юртларга сафар қылдинг беғумон. Рост айттын жон болам, қайга борасан? (Фозил Йұлдош: "сафар қылаётпирсан" маңыносыда).

3. У маст бұлиб келса, күчанинг бошиданоқ билинади: болалар тұмтарақай қочтап, итлар вовуллаған, товуқтар қақиллаған ("Муштум" – қочади, вовуллайди маңыносыда).

4. Күриниб турған тоғдан ошсанғиз, нарёғи Олтинсой ("Ш.Ю" – ошсанғиз маңыносыда).

5. Күчада одам сероб. Болалар бақырган, ёқалашибан... Анграйиб, бошимда тутун, дам туяларга, дам дараҳт бошидаги құшларға қараб, қоқила – суқила бораман (Ойбек – *борар әдим*, бақыр – ялти, ёқалашаляти маңыносыда).

6. Икки бети қип – қизил, ингичка қош, күзи қийиқ сулув қизлар, айрон тутиб, яша жирлаб беришни сұрайдилар, оталари юқоридан тушиб келиб, ўзбек меҳмонларни үтовға таклиф қыладилар, үтөв бекалари меҳмонларға сунра ёзиб, гүшту қимиз, бүғирсоқ келтирадилар (Фозил Йұлдош).

ЕТТИНЧИ МАВЗУ ФЕҢЛЛАРДА МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ

Майл категориясига манбаларда берилған таъриф деярли бир хил: "Майл категорияси ҳаракатнинг воқеиликка сүзловчи томонидан белгиланған мүносабатини англатади" деб күрсатиласы. Бироқ уннинг турларини күрсатышда хилма – хиллик бор. Баъзи тильтунослар (А.Г.Гуломов) 3 та майл (аниқлик, буйруқ, шарт) борлыгини таъкидласа, бошқалар (масалан, А.Н.Конопов) 4 та тури (истак майларни құшған) ҳақида гапиради. Т.Хұжав әса: 6 та тури борлыгини таъкидлайды да юқоридагиларға құшимча қилиб, түсиқсиз (айтса ҳам), вазифа (айтиши керак) майлары ҳақида гапиради. Ҳолбуки, майл турлари қаңчалик құпайтирилмасын, дастлабки уч турнинг хилма – хил семантикалық вариантларидан бошқа нарса әмас. Түғрироғи, у ёки

бу күрсаткичнинг турли нутқу комбинацияларида англатган маънолари асосида юзага келган маънолардир. Шундай экан, майл турларини З та бўлиб тавсифлаш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

1. **Аниқлик майли.** Бу майл ҳаракат ва ҳолатни аниқ ҳодиса сифатида кўрсатади. У ҳамма замонга тегишли бўлади. Кўринича содда гапнинг кесими бўлиб келади.

Масалан: *ўқидум, ўқиётпир-ман, ўқийман.*

Ёки: *Ҳаво булат бўлди. Шамол бўляяпти. Қор ёғади.*

Кўриниб турибдики, бу майл ўзакка замон, шахс,сон қўшим-чаларини қўшиш билан ҳосил қилинади.

2. **Буйруқ майли.** Бу шаклдаги феъллар тусланишининг 3-кўринишида келтирилган бўлиб, улар буйруқ, илтимос, сўраш каби хилма-хил маъноларни англатади. Шунинг учун ўша парадигмани эслаш ўринли бўлади:

БИРЛИК

I шахс: <i>бор-ай/ин</i>	<i>бор-ай-лик</i>
II шахс: <i>бор-/оцанг/-гин</i>	<i>бор-инг-из</i>
III шахс: <i>бор-син</i>	<i>бор-син-лар</i>

КЎПЛИК

Буйруқнинг барча шахса ифодаланувчи илкор шакли ҳам бор. Кўриниб турибдики, бу шаклдаги феъл ҳам шахс категорияси билан боғлиқ. Лекин бу жиҳатдан ёндашишнинг тамойилига қараб, олимларнинг қарашлари бир-биридан фарқлидир. Сабаби, баъзи тилшунослар (И.Харитонов, О.Азизов) буйруқ феъли З шахсга эгалигини таъкидласа, айримлар (Н.К.Дмитриев, А.Гуломов) 2 шахсга эга деб кўрсатади. Дарҳақиқат, таъкидланганидек, 1 шахс, яъни сўзловчи ўзига – ўзи буйруқ беролмайди. Бинобарин, буйруқ майлиниң биринчи шахси деб қараладиган шакл (*борай, бормайин, борайлик*) кўпроқ истак маъносини англатади. Шунинг учун бўлса керак, ишларда буйруқ – истак майли ҳақидаги фикрлар кўп учрайди. Мана шу I шахс шаклидаги асосий кўрсаткич –ай бўлиб, у тарихан –тай шаклига бориб боғланади. –айни эса кўпроқ шеърий услугуга хос. Мисол: *кўрмайин* – мен сира кўрмай. Бу шакл худди шу инкор шаклида ўзининг омонимик жуфтига эга: *кўрмайин босдим тиканни* ("кўрмасдан" маъносида, яъни равии).

Демак, одатда буюриш маъноси II ёки III шахсга қаратилган бўлади.

Ўзбек тилида бўйруқнинг II шахси содда ва кенгайган шаклга эгалиги билан тавсифланади: *айт, айтгин, айтма, айтмагин*. Бу шаклининг ҳурмат формаси ҳам йўқ эмас: *ўқинг, ўқингиз*. Агар шу шаклга –чи юкламаси қўшилса, феъл айрим хусусиятлар касб этади. Ўни билан бўйруқ юмшайди: *ўқи–чи, айт–чи, ол–чи*. Яна қиёслани: *келтирмай кўр–чи!* *Бўлмаса–чи!* *Қани, олиб кўр–чи!*... Бу каби мисоллардан кўриниб турибдик, буларда оҳанг, ургунинг хизмати, қолаверса, сўз қуршовининг аҳамияти катта.

Бўйруқ майли шаклидаги феъллар матнда кўчган ҳолларда ҳам қўлланади. Шу ўринда шахс маъноси кўчган ҳолда ифода этилади. Қуйидаги мисолларни чориштиринг: *Айтинг, нега мени онам тұғмадийкин алгари*. Ёки: киши ўз–ўзига гапирганда шундай мулоҳаза юритиши мумкин: *Салимбой, бу кипибии олинг*. Ёки: *сув таши, мол боқ, ўтип ёр – барибир, бойга ёқмайсан* (фольклордан).

Бўйруқ шаклининг III шахси хитоб, чақириқ, ўни билан эса, кесатиққа ҳам хизмат қиласди. Мисоллар: Биздан озод ва обод Ватан қолсин (И.Каримов). Қани, келсинлар! Буюрсинлар! (бунда вазиятнинг ўни катта).

Шарт майли. Бу майлнинг белгиси –си қўшимчасидир. Шарт майли шаклидаги феълнинг вазифаси одатда эргаш гапнинг кесими бўлиб келиш, лекин у айрим ҳолларда мустақил содда гапнинг кесими сифатида ҳам қўлланади. Худди шу қўлланишларга қараб, шарт формасининг маънолари белгиланади. Бу маънолар қўйидагилар:

1). Кесимдан англашилаётган ҳаракат ё ҳолатнинг юзага чиқиши учун зарур бўлган иккичи ҳаракат ва ҳолатнинг шартини ифодалайди: *Агар яна шунача гапларинг бўлса, майли, маъruzani мажлисга айлантирамиз*.

2). Гайт билдиради: *ҳар гал қишлоққа келса, уникига боради*. *Кечакелсам, дарс бўлмади*.

3). Истак, илтимос, маслаҳат англашилади: Буни тусланиш парадигмасида ҳам акс эттириш мумкин:

1 шахс: *кўрсам, кўрсак* (истак, илтимос)

П шахс: *кўрсанг, кўрсангиз* (илтимос, истак, маслаҳат)

Ш шахс: *кўрса, кўрсалар* (илтимос, истак, маслаҳат)

Мисоллар: *вақтлироқ турсанг; онангни кўриб келсанг; янги кўйлаганини кўрсам*. Қани энди ота–она шу тобда ўғини кўрса...

Баъзи мисолларда шарт формаси тасвирий – таъсирчаникка хизмат қилади. Шарт маъноси сезилмайди ҳам.

Бадий матидан мисоллар: "Райком секретари бола боқиб ўтиrsa! Шундай замон бўлса – ю, одам ўқимаса (А.Қаҳҳор). Биринчи кўриб турган одаминг бўлса. Тонгда яланг оёқ полизга тушсангиз борми? Оҳ – оҳ – оҳ! (А.Мухтор) ва б.к.

Нутқимизда шарт шаклида қўлланадиган, лекин шарт маъноси хиралашган турғун иборалар ҳам талайгина: *ундай бўлса, исасиб қиласа, минг қиласа ҳам, қачон қарасангиз, у ҳам бўлса, менга қолса, қўйиб берса, ростини айтсан, ўзлариган сўрасак, энди, дарс ташёрлашга келсак* ва б.к. Булар нутқининг жонлидигини, табиийлигини оширади. Шунингдек, нутқда феъл майларининг кўчган ҳолда қўлланишлари ҳам кузатилади: *қани, кетдик* (аниқлик майли шаклида). Маъноси: "кетайлик" буйруқнинг 1 шахс кўпликлигини англатяпти. Яна: *Қор қанчалик ёғмасин...* (буйруқнинг Ш шахс бирлик шакли). Маъноси: "ёғса ҳам" – шарт, тўсиқсизлик маънолари англашиляпти. *Сен олган гафтаринги келтир* (келтирсанг), *китобин бераман*.

САККИЗИНЧИ МАВЗУ ФЕЪЛЛАРДА БЎЛИШЛАИ-БЎЛИШСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида кишилар фаолиятининг барча томонлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, моддий ва маънавий маданият мудавфақиятларини бевосита акс эттиради. Тил кишиларининг алоқа қилиш ва фикр алмашув қуроли сифатида тафаккур билан узвий боғлиқдир, чунки фикрният бевосита воқе бўлиши бу, тилдир.

Билиш жараёни қарама – қаршилиги амалиёт қарама – қаршилигининг ифодасидир. Дунёдаги нарсаларнинг ташки ва ички томонлари диалектик бирлашган ва бир – бирига қарама – қаршидир, жараёнларнинг муҳим алоқалари уларнинг ташки кўришиншлари орқасида яширгандир. Аммо амалиёт зарурият олдида шу қарама – қаршиликни енга билишни, муҳим алоқаларни акс эттира билишни вазифа қилиб қўяди. Ҳиссий билишда бу вазифани ҳал қилиш мумкин эмаслиги билишини рационал босқич сари силжитади.

Ахтоти измениң онында ҳодиса на ұғарғанларинің умумшы ҳамда мұхим томонларини очишта дағыват этилган ҳиссий билишнинг тафаккурға үтиш имкониятты, аввало, сезгида содир бўлади, бу имконият яккалик билан бир қаторда умумийликни ҳам акс эттиради. Бу унинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Шунинг учун у ижтимоий одамнинг сезгисидир. Бундай үтиш тил ёрдамида амалга оширилади.

Предметни үрганишнинг бирдан – бир түғри йўли шу нарса ёки ҳодисани ўз ақлимизда қарама – қарши томонларга ажратиш ва шу томонларни алоҳида – алоҳида, ҳамда биргалиқда үрганиш диалектиканинг негизидир. Фақат шундагина бир предмет ёки ҳодисанинг ривожланиш манбанини, унинг тараққиёт йўлларини билиб олишимиз мумкин. Бу эса уларни чуқур билишнинг асосий шартларидан биридир.

Худди шу пуктаи назардан феъллардаги инкор ва тасдиқнинг асимметрик тарзда юзага чиқиши масалаларини маҳсус категория сифатида үрганиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўзбек тишинослигида иш – ҳаракат билан боғланган маълум аспектлар, масалан, ишнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги маънолари учун шартли равищда "бўлишли" ва "бўлишсиз" терминлари ишлатиб келинади. Бўлишли – бўлишсизлик, тасдиқ – инкор кўришишидаги бу грамматик оппозиция жуда мураккаб, кенг масштабли лингвистик ҳодиса бўлиб, биринчидан, унинг ифодаланиш воситалари ҳар хил (лексик, морфологик, синтактик, оҳанг...), иккинчидан, у бир қанча ҳодисалар билан зич боғланади: сўзнинг лексик – грамматик категориялари билан, интонацион хусусияти билан, морфологик кўрсаткичлар билан, синтактик ҳолат билан...

Бу борада анчагина ишлар қилинган. У ҳақда ўзбек тишининг грамматик қурилишига доир йирик ишларда, дарсликларда, маҳсус мақолаларда, номзодлик диссертацияларида фикр билдирилган.

Йирик туркологлар В.Банг, А.И.Кононов, С.Н.Иванов, ўзбек тил – шинослари проф. А.Г.Гуломов, А.Ҳожиев, шунингдек, М.Содиқова, Т.Рустамов, А.Нурмоновларнинг ишларида шу категорияяга доир мулоҳазаларга дуч келамиз. Бироқ шунга қарамай, бу кетегория, унинг ички ва ташки томонлари, услубий хусусиятларини үрганиш ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир феълинг бўлишли ёки бўлишсиз шаклда туриши унинг феъллик белгиларидан биридир. Бўлишли феъл тасдиқни, бўлишсиз феъл инкорни билдиради.

Феълнинг бўлиши шакли инкор белгисининг йўқлиги билан характерланади. Бўлишсиз шакл эса турли воситалар ёрдамида ифодаланади: синтетик, аналитик, оҳанг, сўз қуршови ёрдамида.

Инкор билдирувчи -ма аффикси, умуман, феълларнинг бўлишсизлик белгиси деб қаралади. Бироқ унинг қўлланишида шахс кўрсатадиган ва кўрсатмайдиган феълларга нисбатан ўзига хослик кўзга ташланади. Бу хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

1. Мақсад равищдоши -ма аффикси билан қўлланимайди. Масалан, *дам олгани келди*, *айтгани келди* формаларида биринчи компонентта, яъни мақсад равищдошига -ма аффиксини қўшиш мумкин эмас. Бироқ: *дам олгани келмаги*, *айтгани келмаги* қўлланишлари бошқа мақсадни кўзда тутади. Биринчи ҳолатта нисбатан -ма ни қўлланишинг мумкин эмаслиги шу равищдошининг мазмун хусусияти билан боғлиқ.

2. Инфинитивнинг -моқ ёки -ш аффикси билан ясалган тури ҳам бўлишсизлик аффиксини олмайди. Унинг бўлишсизлик маъноси учун феълнинг бошқа тури қўлланади: *сўзламоқ*—*сўзламаслик*, *айтмоқ*—*айтмаслик*, *ўқиш*—*ўқимаслик*. Яна қиёсланг: *ўқув*—*ўзув*, *ишлов*—*бошлов*—*сайллов* (буларнинг айримлари от бўлиб кетсан). Шунингдек, айрим формаларда -ма + -в шакли ишлатилиб қолган: *клишмовчилик*, *аングлашилмовчилик*, *тушунмовчилик*, *етишмовчилик*.

3. Сифатдошнинг -тан ли турида -ма эмас, йўқ ёрдамида ифодалана олади. Бироқ, бу формалар ўртасида услубий фарқлар бор. Қиёсланг: *пахтага бормаган* — *пахтага борган* эмас — *пахтага боргани* йўқ.

4. Бўлишсизликнинг морфологик белгиси санаалган - ма аффикси феъл ўзагига бирикувчи, ургусиз, сўз таркибида жойлашишига кўра ясовчилардан кейин, бироқ, тусловчилардан олдин қўшилиши хусусиятига эга бўлган кўрсаткичdir. Масалан: *тапирмаги*, *сўламади*, *келтирмаги*, *эслатмаги*, *айтилмаги*, *келишмаги*...

5. -ма аффиксли бўлишсиз шакл баъзан гумон, тахмин маъноларини ифодалашда ҳам қўлланади: Масалан: *Тагин дарс бошланаб қолган бўлмасин?* (бошланган бўлиши эҳтимол). Бу ҳам асли бўлишсизликнинг бошқачароқ қўринишидир. Бу каби ҳолларда мати, оҳанг (сўроқ интонацияси)нинг роли бор, албатта. Мисоллар: *Биздан баҳтили борми*, *ёроилар?* (Асқад Мухтор). *Дарсга нега вақтида келмагингиз?* Бу цицига ярашадими? — "ярашимайди" деган маъно бор.

6. Бұлшыссыз аффиксшінин мағыносини анықлаш мәттегік ургусыға ҳам борланади. Мисол: **У кече келмади**. У **мажлиста** келмади.

7. Равишідошшынг **-а** ёки **-б** аффикси билан ясалған түри ҳам **-ма** аффикси билан құлланған олади, бироқ бу үрінде юзага келған форма омонимик хусусият касб этади. Қиёсланғ: **ұқимай** – **ұқимассан** / **ұқимаган** **жолда**, яғни ургулы форма, аксинча, **ұқимай** – мен **ұқимайын**, яғни ургусиз.

8. Шахс күрсатмайдыған феълларда инкор эмас, **йұқ** сұzlари ёрдамида ифодаланади. Бинобарин, бу хусусият ҳам шу шакларнинг отлиқ хусусиятига әгалигин яна бир карра исботтайты. Чунки соғ феълларға хос хусусият **-ма** аффиксшінинг инкор билдиришидей, ёки инкорнинг асосий морфологик күрсатқыч эканлигидир. Тұғыры, "эмас" баъзап **-ма** шаклида құлланади, бир хил вазифа бажарғанда күрінади. Қиёсланғ: **Сен ёзмагансан** (ёзмаганлық мағыносининг тасдиқи, яғни сен ёзмаган одамсан) – **Сен ёзган эмассан** (ёзғанлықнинг инкори, яғни ёзған одам эмассан).

9. "эмас" ва "**йұқ**" сұzlари ҳам баъзи құлланыштарда тенг келгандек күрінади. Ҳолбуки, бу сұzlар айрим жиҳатларига күра бир-биридан фарқ қылады. Аввало, "**йұқ**" мустақил сұз, ёрдамчи восита эмас. Бироқ **-тан** ли сифатдош билан құлланғанда вазифа жиҳатдан "эмас" ёрдамчисига яқынлашади. Иккінчидан, "**йұқ**" сұзининг инкор воситаси сифатида құлланыш доираси нисбатан тор. Исботи: "**дипломант эмас**" дейиш мүмкін болған ҳолда "**дипломант** **йұқ**" деб бұлмайды. Аммо: **ұқиған** **эмас**, **ұқиғани** **йұқ** типидағы құлланыштар учраб туради. Аслида, кейинги құлланыштар ҳам бир-биридан фарқланади. Чунки, айтайты, "**ұқиған** **эмассан**" деган ифода "сен ұқиған эмассан" мазмунидаги шахс ё белгінинг инкорини аңглатса, "**Ұқиғанынг** **йұқ**" ифодаси эса "**үқи**ш иши **йұқ**", яғни ҳаракаттнинг инкори мағыносини аңглатади. Сабаби, булар грамматик жиҳатдан ҳам фарқлы: **ұқиған** **эмассан** – бир сұз, бир бұлак. **Ұқиғани** **йұқ** – икки сұз, икки бұлак. Бу сұzlар аслида зәға ва кесим мүносабатидар. Шу мүносабатнинг изи сифатида "**йұқ**" сұздан олдинги сифатдош әгалік аффикси олған ҳолда құлланади ва бу аффикс шу гапнинг әгаси билан шахс-сон жиҳатидан мослашиб боради: **мен ұқиғаным** **йұқ**, **сен ұқиғанынг** **йұқ** каби. Әгалік аффикси олмаган ҳолда құлланыш учинчи шахсдагина учраши мүмкін: у **ұқиғани** **йұқ** – **ұқиған** **йұқ**. Демек, қадымда: **меннінг** **келганим** **йұқ** (келганим – зәға, **йұқ** – кесим). Шу билан "**йұқ**" сұзи бу

ўринда "эмас" билан вазифадош бўлиб қолган. Бу ҳол гап қурилмасининг тарихий ўсиши, аста – секин ўзгариб бориши натижасида туғилган.

10. Ўзбек тилида инкор маъносини кучайтирувчи восита сифатида баъзан "на" ёрдамчиси қўлланади. Бу вазифа қўпинча "ҳам" ёрдамчисига тенг келади. Лекин бу ҳол ўзбек тили учун хос хусусият эмас. Мисоллар: *На хотин, на* фарзанд қўрмаган (Ўйғун); *На* ҳозор исроф қилинмасин, *на* сиёҳ... Одамлар беш кундан бери на ишга чиқолмай, *на* ухлаёлмай дengiz ёқасида уймалашади (А.Мухтор). Аммо бунга на ўзи парво қиласи, *на* Элмурод (Шуҳрат). Қўришиб турибдики, гаплардаги феъл баъзан бўлишили, баъзан бўлишсиз шаклда қўлланади. Лекин "на" кўпроқ экспрессивликка хизмат қилади.

11. "Эмас". "Йўқ" ва"на" қўлланиш жиҳатдан ўз позициясига эга. Чунончи, "эмас" ва "йўқ" ўзи бирикадиган сўздан кейин ислола, "на" олдин келади. Қиёсланг: ўқиган эмас – *на* ўқиган – ўқигани йўқ... Бироқ эски ўзбек тилида бошқачароқ: Эмас осон бу майдон ичра турмоқ. *Низомий панжасига панжа урмоқ* (Л.Навоий). Бу сўзлар муқини, эмас ёлғон (Муқими). Бундай қўлланиши ҳозирги замон ўзбек тили учун меъёр эмас.

12. –ма аффиксииning қўшма феълларда қўлланиши айрим хусусиятларга эга. Чунончи: а) бу аффикс кўмакчи феълга (айтиб бўлмайди); б) етакчи феълга (айтмай қўйди); в) ҳар иккисига қўшилади (айтмай қўймайди). Сўнгги ҳолатда инкор эмас, тасдиқ англанилади ва бу тасдиқ одатдагидан кўра кучли, қатъий бўлади. Яна қиёсланг: у дунёдан боласиз ўтмади (қўш инкорининг бошқача қўринишига мисол). Бу ҳол қўшма феълнинг барча типларига бирдай хос эмас. Бошқача айттанди, уларнинг айримларида, масалан, **ол, сол, ташла** кабилар ёрдамида тузилган феълларда –ма етакчи феълга қўшилмайди, унинг етакчи феълга қўшилиши кўмакчиси ўтири, қол, қўй каби ёрдамчилардан бўлган қўшма феълларда мумкин бўлади. Ҳар икки воситанинг –ма аффиксини олиб, қатъий тасдиқ англатиши қўшма феъл учун характерли эмас. Бунинг бир сабаби шуки, қўшма феълдаги ҳар бир элемент инкор маъноси олгач, уларнинг айримлик ҳолати кучаяди ва қўпинча кўмакчи феъл ўз асл мустақиллик ҳолатини тиклади, натижада қўшма феъл йўқолиб, икки айрим феъл туғилади. Масалан: У янги романни ўқимай қўймайди (ўқиб туради) – ...Ўқимасдан турмайди.

13. Инкор аффикси жуфт феълларда ҳам қўлланади ва одатда биринчи кисмга қўшилади: ёзади–қўяди (осонгина) – ёзмайди–қўяди

(“бүни нима қайнилиги бор?”). Буңдай хусусиятт иккинчи қисмнинг семантик – грамматик хусусияти туғайли юз беради.

14. Бўлишсизлик баъзан бўлишсизлик шаклари қўлланмаган ҳолда, оҳанг ва сўз тартиби ёрдамида ҳам ифодалана олади. Мисоллар: Қани энди гап уқтириб бўлса (А.Қаҳҳор) – “гап уқтириб бўлмайди”. Сиз униш юрагини қаёқдан билибсиз (Шухрат) – “бilmайсиз”, “бilmагансиз”.

Нутқ услубининг талаби билан бўлишли феъллар бўлишсиз шаклда ҳам қўлланади: – Сотувчининг қаердагиларини айтмайсизми? – “айтиб беринг” деган маънода (муомалада). Яна қиёсланг: мен сизни ёмон бўлинг демайман (А.Қ.). Бу мисолда биргина бўлишли феъл ўринда ҳам бўлишли, ҳам бўлишсиз икки феълни қўллашдан мақсад муомала муносабатини юмшоқ амалга ошириш, яъни нутқ “дипломатия”сини силлиқлаштиришдир. Бунинг яна боинқа кўринишлари ҳам йўқ эмас. Мисолларни чогингитиринг:

1. Ким сизларга айтди ўқитувчи келмайди деб? (“келади”).
2. Бизнинг устимиздан арз қилмаган колхозчи йўқ (А.Қ.). – “Ҳамма арз қиласди”.
3. Таҳдид солиб бўнти (А.Мухтор) – “таҳдид сололмайди”.
4. Қани, олиб кўрсип – чи! – “ололмайди”.
5. Кўчага чиққасингни кўраман! – “чиқмайди” маъносида.

Хуллас, феъллардаги бўлишсизлик шу туркумнинг асосий луғавий грамматик белгиларидан бўлиб, у феълнинг табиатини белгилашда мухим ўринни эгаллайди.

Мисоллар: Айтасан – а, айтасан! Борасан – а, борасан! Ҳеч иш чиқмади. Ҳеч қандай қарорга келимади. Ҳеч ким гапирмади. Ҳеч қандай гап қолмади. Ҳеч зор қолмади. Сира оғиз очмади. Ҳеч қанақа иш битмади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАВЗУ ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛ

Феълнинг бу шакли ўзбек тилшунослигида А.Хожиев томонидан маҳсус – монографик тарзда таҳлил қилинган. Унинг маъно ва вазифалари, шаклари, услубий имкониятлари, келиб чиқиши у ҳақдаги илмий қараашлар атрофлича баён этилган.

Бу феълнинг ўзаги “эр” сўзидан, яъни “эрмоқ” демакдир. Илмий адабиётларда унга нисбатан турлича терминлар қўлланилган. Улар қўйидагилар: “вспомогательный глагол”, “недостаточный глагол”, “неправиль-

ный глагол", "служебный глагол" ҳамда "кұмакчи феъл" (Қатом Рамазон, 1937), "ёрдамчи феъл" (О.Усмон, Б.Авезов, 1940), "тұлиқсиз феъл" (А.Гуломов, 1954).

"Тұлиқсиз феъл" биринчи мағта А.К.Боронков, А.Г.Гуломов, З.Маъруфов ва Т.Шермуҳамедовларнинг китобида құлланған (1943). Туркий тиллар ҳақида рус тилида ёзилған ишларда ҳам "недостаточный глагол" термини "-э" феълиға нисбатан бирданыға құлланған змас. Бу термин "вспомогательный глагол" терминига нисбатан кейин юзага келған. М.А.Казем-Бекнинг асарида құрсағышича ("Общая грамматика турецко-татарского языка, 1838) Дағиде 1832 йылда нацир этилған ишида бу феълни бошқа феъллардан ажратып, тұлиқсиз феъл деб атаган.

"- э" феълиға нисбатан ишлатылған мана шу сифат бир қаңча хусусиятлари асосида изоҳланади: маънога әгалик мутлақо инкор этилмайди, мустақил маънога эта змас, феълнинг барча шаклларига эта бўлмаслик; бу атамани у бошқа ёрдамчи вазифаларни бажарувчи барча феъллардан фарқлади, унинг танланиши мақсадга мувофиқ.

Умумий хусусиятлари:

- 1) Э – туркий тилларнинг бирортасида ҳам мустақил маънога эта змас (албатта, ҳозирда);
- 2) тұлиқсиз феълга нисбатан түсланиш ҳақида гапириш мумкин змас. Чунки шахс-сон құшимчалари ҳаракат бажарувчисини құрсатади. Тұлиқсиз феълда эса бу йўқ;
- 3) тұлиқсиз феъл шаклларида ўзак билан унга құшилған қўшимча ҳозирги ўзбек тилида ҳам ташки томондан аниқ қўриниб туради;
- 4) э-ди, э-кан, э-миш... Лекин ўзак мустақил маъносини сақламаган ҳолда, қўшимчалар ҳам шу шакл доирасида ўз хусусиятини тұла сақламаган ёки бутунлай йўқоттан;
- 5) тұлиқсиз феъл билан шаклланған феълларда маъно бутунлiği билан бирга шакл бутунлiği ҳам бўлади;
- 6) тұлиқсиз феъл билдирган маъно фақат бирор сўзга змас, бутун бирикмага ёки гапга тегишили бўлиши мумкин: *Давранинг тўрига ўтириб келған Комилжон эди* (С.Аҳмад);
- 7) тұлиқсиз феъл шаклларидағи биринчи товуш турған змас: *ишлармиш, ишиласаиди;*

- 8) улар отларга ҳам, феълларга ҳам бирика олади: *бор экан, йўқ экан, отам экан, борар экан, қисиқ экан, беш экан* ва б.к.;
- 9) кам бўлса—да, бир кесим таркибида бирдан ортиқ тўлиқсиз феъл шакли учраши мумкин: бу сукунат яна қашча давом этар *эди экан*? (М.Исмоилий). Сўзлашувда қисқариши кузатилади: *айтармишийкин* (—айтарми эди экан) ва б.к.

ЭДИ — аслида Э-ди дан иборат. Деярли барча туркий тилларда учрайди. Унинг интироцида кўплаб шакллар ҳосил қилинади, фақат шуларгина замон матъносига эга: —ган эди, —ётган эди, —ётиб эди, —моқда эди, —р эди, (—мас эди), —түвчи эди, —моқчи эди, —диган эди, —гин эди, —са эди.

Бу феъл ҳозирги ўзбек тилида З асосий хусусиятта эга:

- 1) нарса — ҳодисанинг ўтган замонига оидлигини билдириш;
- 2) муносабаттаги биљдириш;
- 3) найт эргани ганини боштганга боғланиш.

Матний мисоллардаги қўлланишлар ҳақида мулоҳаза юритинг ва маъно ва вазифаларини баҳоланг:

Ким эдим? Энди ким бўлдим? Дам олиш кунлари тўйиброқ ухлаб олиши одатингиш бор эди. Бизнинг йигитни ҳам катта масофани пиёда босгани учунми, кун ҳийла бетоқат қилган эди.... теша билан новдаларни йўпаётган экан. Ўтиб кетаётган эдим, сизга кўзим тушиб қолди; бир луқма билан жонини олар эди; ҳамма вақт ерга қараб юргувчи эди (П.Турсун); келадиганиман, кўрмайдиган бўлиб қолган эди ва б.к.

ЭКЛН — кўн маънолилиги ва турли — туман вазифада келиши билан бошқаларидан фарқланади. У феълнинг —и/б, —а, —й ва —так шаклларидан бошиқа ҳамма шаклларига бирика олади. —тан ва —а/р билан қўлланиши ҳам унумлироқ.

У фақат боғлама эмас, турли модал маъноларни ҳам рӯёбга чиқаради. Масалан: Қаерга борсан экан? Ош—нонинг бўлмаса ҳам, бир оғиз ширин сўзишаг бўлсин экан...

Унинг отларга ва феълларга бирикиб келиш ҳолларидағи маъно ва вазифалари тенг эмас.

Отларга бирикканда:

- 1) эшитилганик: чиройли экан, құйли баңг экан;
- 2) сабабға аниқлик киритиш: күнгіл экан, тирикчилик экан;
- 3) ғақат шу нарса билан чекланмаслик: соат экан-ку, секундда ҳам тап күп;
- 4) шарт: *агар* фойдалы экан, нега ишлаб чиқарышмаяпты?! Таажжуб ҳам құшилиб кетади;
- 5) муносабат: онамлар бундан хабардор экан...

Феълларга бирикканда:

Аввало, феълнинг барча майл шакллари билан бирика олади ватурили – туман маъноларни англатади. Мисолларни қиёслаб күринг:

1. Бу ерларда қор нега зриб кетди экан?
2. Домла! Калтак есам, рұзам очилади – ку, деган экан.
3. Яхши одам сира ўлмайдикан.
4. Күзим уйқуга кетар экан...
5. Ўша ерларга бир борадиган экан.
6. Лекин инсон ўлмасайкан...
7. Маъруза қилиб бермоқчи экансиз...
8. Одам бир баҳтесиз бўлмасин экан...
9. Биз эгарлаб қўйган отпи миниб кетавериш экан – да!

Яна қиёсланг: Қачон келаркин? ("эркан"дан упинг қисқарган шакли, "эркин" эса "эркан" билан қадимдан параллел қўлланган ҳам).

ЭМИШ – айрим туркий тилларда ҳозирда ишлатилмайди. Унинг қўлланиш доираси ҳам чекланган. Бироқ отларга ҳам, феълларга ҳам бирика олади: *мажбурий эмиш, келишар эмиш, борган эмиш, ўқиётган эмиш...*

Хуроса: тўлиқсиз феъл мустақиллигини йўқотиб, грамматикали – зациялашган, унинг эди, экан, эмиш шакллари грамматик маъноларни тўлдиради. Улар морфосинтаксисга даҳддор бирликлар.

ЭДИ – замон маъносини билдирувчи шакл, "экан" бундай хусусиятта эга эмас; "эмиш"да ўтган замон шаклига хос хусусият йўқолган ва у фақат модал маъно ифодаловчи шаклга айланган.

ФЕЛЬ ЯСАЛИШИ

"Сўз ясалиши" баҳсида эслатилганидек, ҳозирги ўзбек тилида "ясан" ва "ясалиш" ифодалари 2 маънода қўлланади: янги сўз—лексема ҳосил қилини ва сўзининг уёки бу шаклини юзага келтириши. Мавзунинг номи ҳам шу билан изоҳланади.

Даставвал, феълларнинг таркибий жиҳати ҳақидаги фикрларни эслатамиз: ўзбек тилидаги феъллар тузилиши жиҳатидан содда ва қўшма бўлади, деб ўргатилиб, улар доирасига жуфт феълларнинг ҳам киритилиши таъкидланган. Содда феълларнинг ўзи эса яна 2 гурӯхга бўлинган: туб феъллар ва ясама феъллар. Туб феъллар диахроник жиҳатдан қисмларга ажралса ҳам, аммо ўзбек тилининг ҳозирги даврида майполи қисмларга ажралмайдиган феъллар деб таърифланган: *кет*, *кел* (аммо булар тарихан: *ке + т*; *ке + л*). Ясама феъллар ё синтактик, ё аналитик воситалар ердамида ҳосил қилинган янги феъллардир: *мустаҳкамла*, *режала*, *сотиб олмоқ*, *олиб келмоқ* ва б.к.

Мавжуд ишларда уларга хос бу хусусиятлар анча атрофлича беритилган. Масалан, юқорида қайта—қайта тилга олғанимиз А.Г.Гуломов, А.П.Хожиевларнинг ишларидан фойдаланиб келинаётган дарслик ва қўлланамалар, рисолалар, мақолалардан кўплаб майлумотлар олиш мумкин. Бироқ шу нарсани алоҳида таъкидаш лозимки, бу ишлардаги айrim далилларга ёндашувлар ёки уларнинг талқини бир хил эмас. Айниқса, феълнинг аналитик шакллари ва ҳақиқий қўшма феълларга муносабат турлича. Шунинг учун ҳам мутахассислар шу ҳақидаги илмий—назарий манбалардаги фикрлар билан таниш бўлиши ва ўрни келганда ўз мулоҳазаларига ҳам таяниши лозим.

Ясама феълларнинг аффиксация воситасида ҳосил қилиниши ва шу вазифани бажарувчи барча қўшимчаларнинг вазифа хусусиятлари анча атрофлича тадқиқ этилиб, дарслик ва қўлланмаларда ҳам ўз ифодасини тонган. Бу фикрлар баёнида зиддиятли қарашлар йўқ даражада, балки бу қайдлар, тавсифлар бир—бирини тўлдиради. Хусусан, улар доирасида ҳам ички ва ташки ясовчилар, яъни ички ва ташки ясалиш фарқланади.

Ички ясалишда асосан ҳаракат жараёнининг холис—табиий {объектив} тавсифини беришга хизмат қилувчи морфологик кўрсаткичлар маънио қўламлари, қўлланини ўринлари, услубий сифатлари, тузилишига кўра

таърифлаб берилади. Булар доирасига -ла, -кила, -гила, -қила, /ила (чүқила-, ташмала-, тортқила-, эзғила-, тепқила-), -м -сира/, -и/нқира (кулимсира, йиглемсира, оқаринқира), -мача (термача-) каби құшымчалар киритилади. Шунингдек, модал маңын анатлатувчи, күмакчи ва тұлиқсиз феъллар ёрдамида ҳосил қилинувчи аналитик шакллар ҳам ички ясалиш тарзида баҳоланади: *ёзіб олмоқ, ёзды—олди, айта ол, айта бер, айта қол, айта түр* ва ш.к.

Илмий адабиётларда бу тарзданғы иғодаларға феълнинг тус (виә) шакли деб ҳам баҳо берилған.

Ташқи ясалишда қуйидаги аффикслар иштирок етади: -ла (тарихий вариантлари: - та, да...), -а, -й, -ар, -сира, -и, -к, -қ, -кир, -қир, -т ва б. қ. Қуйидаги сұзларнинг ясалиш асоси ясовчилари ва ясалманинг маңынса дикқат қилинг: *тишла-*, *сизла-*, *тақирла-*, *тұзла-*, *иккілан-*, *метрла-*, *ұтла-*, *қисма-*, *пуфла-*, *бұша-*, *ұйна-*, *қийна-*, *зұрай-*, *оқар-*, *қисқар-*, *ұдак-* *сира-*, *бойи-*, *кечік-*, *беркіт-* ва б. қ. Буларнинг айримлари ҳозирғи нұтқимизда фаолліги ёки суст құллананын билан ажралиб ҳам тұради. Улардаги бу хусусият турлы нұтқ үслубларидаги ясалишларни ғоиз ҳисобидаги аниқ ҳисоб — китоби йұлы билан аниқланади.

Ясама феълларнинг көнг маңында аналитик ҳосил қилинушынга нисбатан ёндашууда бир—бирига зид қарашлар, таърифлар, таснифлар, терминология фәрқлар күзатылади. Уларни мұхтасар қуйидагича бағын этиши мүмкін.

Үзбек тишишеслигінде, хусусан феълшыносликда "құшма феъл" атамаси көнг маңында ясалади. Ёки: "Құшма феъл иккі ва ундағы ортиқ феъл үзагининг бирикисидан ясалади. Ёки: "Құшма феъл иккі ва ундағы ортиқ үзакнинги бирикіб, семантикалық жиһатдан бир бутунлік ҳосил қилишидан туғилади. Бу бутунлік үша таркибдеги сұзларнинг яхшитлігінде бир маңын анатлатыны, орада синтактикалық муносабатнинг бүлмаслігі, уларнинг бир бош үрғуга бүйсүншін, бир синтактикалық вазифаны бажариши ва бошқалар — улар бир сұз ҳолида эканлигини күрсатади (Қаранг: А.Гуломов. "Феъл", 72—6). Илова тарзида қуйидаги миссиялар қиёсланади:

"... құшма феъллар иккі ва ундағы ортиқ феъл үзагининг бирикисидан ясалади. Ёки: "Құшма феъл иккі ва ундағы ортиқ үзакнинги бирикіб, семантикалық жиһатдан бир бутунлік ҳосил қилишидан туғилади. Бу бутунлік үша таркибдеги сұзларнинг яхшитлігінде бир маңын анатлатыны, орада синтактикалық муносабатнинг бүлмаслігі, уларнинг бир бош үрғуга бүйсүншін, бир синтактикалық вазифаны бажариши ва бошқалар — улар бир сұз ҳолида эканлигини күрсатади (Қаранг: А.Гуломов. "Феъл", 72—6). Илова тарзида қуйидаги миссиялар қиёсланади:

1. Бу китобни оиласидан сураб (хол) олди (кесим).
2. Карима бу масаланинг очилишини оиласидан сурбо олди (қўними фора кесим).

Мазкур муаллиф қўшма феълларнинг асосан 2 ўзакдан тузилишини, баъзан ўзаклар миқдорининг ортишини (қиёсланг: *айта қол* – *айтиб бериб қўя қол*), буларда асосий ва ёрдамчи қисмларнинг маъно кўламига кўра фарқланшишини, 2-ёрдамчи қисмининг афҳиккета яқинлигини эътироф этиш таъкидланади. Бундай феъллар грамматик хусусиятларига кўра ҳам 2 гурӯҳга ажратилади: от + феъл таркибли қўшма феъллар: *одам қилди*, *баён қилди*, *ҳарор қтлди*, *яхши қилди*. Шу йўл билан ҳосил қилинган баъзи биркувлар фразеологизмларни юзага келтиради: *кўз ташламоқ*, *назар солмоқ*, *яхши кўрмоқ*, *бош қотирмоқ*, *бона кўрмоқ* ва б.к.

Феъл + феъл таркибли қўшма феълларда биринчи унсур ўз лексик маъносини сақлади (қўшма феълнинг асосий маъноси ҳам шу бўлади), иккинчи қисм бу ўрицда ўз асосий маъносини йўқотиб, биринчи элементнинг маъносига турли қўшимча маънолар орттиради: ундаги турли отгенкаларни, бу маънонинг модификациясини ифодалайди. Буларнинг биринчиси етакчи, иккинчиси кўмакчи феъл саналади. Қўйидаги мисоллар мазкур фикрни тасдиқлади: *агдарилиб кетди*, *олабер*, *туратур*, *ётатур*, *келиб кетди*, *юраётинти*, *тураётинти* ва ш.к. Бу қараш А.Гуломов томонидан илгари сурилган (76 – б).

Ўзбек тилидаги исталган феълнинг кўмакчи вазифасида кела олмаслиги ҳам эътироф этилган ва улар қўйидагилар эканлиги бирма – бир санаб кўрсатилган: ол, бер, сол, қўй, қол, кет, бор, кел, туш, чиқ, бошла, ўтири, юр, тур, ёт, юбор, ташла, кўр, бўл, ўл, бит, ўт.

Кейинги давр тилшунослигида мазкур муаммога бошқачароқ ёндашиб кузатилади. Тилшунос А.Хожиев ишиарида илгари сурған қарашлар диққатни тортади ва ўлашга мажбур қилади. Хусусан, феълнинг аналитик усул билан ясалishiда 2 ҳолни фарқлаш лозимлигини кўрсатади: от + феъл шаклидаги қўшишини ва феъл + феъл шаклидаги қўшишини. Бир қараганда, аввалги фикр билан ўхшашлик бордай туюлади, аммо масалага чуқурроқ ёндашибиска, дастлабки фикрнинг ривожлантирилгани, айrim ҳолатлар фарқлангани сезилади.

Кейинги ёндашувда I – гурӯҳга фақат қил, айла, ёт, бўл, ёрдамида ясалган ифодалар киритилади: *баён қилмоқ*, *касал бўлмоқ*, *ижро этмоқ*.

каби. Бироқ шу феъллар қатнашған ҳамма ҳолатда құшма феъл ҳақида гапириб бұлмайды. Чунки 2 – қисм сифатида қатнашастан феъллар бөгламалик вазифасини ҳам бажаради: *ұқитувчи бұлади* – құшма феъл зemas. Аммо "тасдиқ қилды" құшма феъл Яна қиёсланды: *тасдиқлаңыз*.

А.Хожиевнинг таҳдилига күра, иккى феълнинг үзаро бири-кишидан ҳосил бұлған құшма феъллар үзбек тилида күп зemas. Улар англаттан ҳосила маъно ҳам компонентлари маъносидан фарқ қилиши лозим. Шунинг учун етакчи ва күмакчи қисмлар бирикувлар үз хусусиятларига күра құшма феъллардан ҳам, сүз бирикмаларидан ҳам ажralиб туради. Бу хусусиятлар қуидагилар:

1. Құшма феълдан янги маъно англашилса, етакчи ва күмакчи феълдан асосий ва ёрдамчи маъно үқилади.

2. Етакчи ва күмакчи феъл үртасига юклама құшиш ҳам мумкин: **кечекиб ҳам қолибман**.

3. Етакчи феъл шакл ҳосил қилювчи құшымча олини ҳам мумкин: **күтариброк қүйди**.

4. Етакчи қисм жуфт ва такрорий қисмга тең бұлиши мумкин: **атрофға қараб–қараб құймоқ; қизарып–бұзарып гапирап эзи**.

5. Етакчи феъл уюшиб келиши мумкин: **құритиб ҳам, музлатиб ҳам, тузылаб ҳам, туыйиб ҳам олдилар...**(УТГ, 372–373–б.).

Мәзкур муаммо туркйшүнослиқда ҳам, рус тилшүнослигіда ҳам яхшигина үрганилған ва қатар ишлар, түпламалар юзага келгаш. Уларда ҳам үзига хос атамалар, таснифлар, ёндашувлар күзатилади.

Татар тили мутахассиси турколог Ф.Ганиев үзининг махсус ишида бу масаланинг туркологияда ҳали ҳал этилмаганлыгини, бу баҳсда чигал, ечилиши лозим бұлған муаммолар борлыгии жуда түгри таъкидлайды. Унинг ишларыда илгари сурىлған мақсад: туркй тилларнинг үзига хос табиатидан келиб чиқиб баҳолаш зарур, рус тилиге қиёслаб зemas. Чунки айрим тилларда, жумладан рус тилида, бундай феъллар йўқ. Япон ва ҳинд тилларида күп. Унинг фикрича "собственно сложные глаголы" деб номланған феъллар күп, луғатларда ҳам акс эттаң, у қадар баҳсли зemas (бу үринде от + феъл қолипи күзда тутылған). "Составные глаголы" (яғни феъл + феъл қолипи) таҳминан 40–60 мингни ташкил қилади, аммо луғатларда берилмайды. Сабаби, бундай бирикув күпинча лексик планда, яхлит луғавий бирлик сифатида олиб қаралмайды; вид билан бөглаб ёки бошқа грамматик категориялар билан бөглаб үрганилади. Буларнинг феълнинг құшма шаклидан ёки оддий

Башкорттадаң фәръланышы белгى хусусиятлары ишәншәрдә даражада ижтимаи-литературниң тарзынан. Шу белс, айрым ёрдамчы фәзъя билән биреккән формаларни қүшма феъз эмас, деб таъкидләйди Ганиев Ф. ...шундай экан, мустақил + ёрдаңчи сўзлардан ташкил топган сўзларни қүшма демаслик керак, деган хulosани чиқаради. Бизнингча, бу нотўри қарашиб. Тўғри, феъллинг қүшма шакли билан қўшма феъз ўртасида фарқ бор. Масалан, модал форма, аналитик форма, замон формалари: *бориб эзи* каби. Яна қиёсланг: *ёза олмоқ, айтса билмоқ* – булардаги иккинчи қисм ҳам грамматик вазифа бажаради, модал маъно билдиради.

А.Алекперовнинг ёзишича, феълнинг қўшма шакли ҳали қўцима феъз деган гап эмас. Туркий тилларда ҳаракатнинг бажарилиш тарзини (характер протекания действия) билдирувчи составли феъллар қўшма феъз бўлиши мумкин. Унинг хусусиятлари битта янги маъно, ягона синтактик функция, компонентларнинг алоҳида – алоҳида қўлмана олмаслиги, улар ўртасида синтактик муносабатнинг йўқлиги билан белгиланади. Демак, бу олимшинг фикрича, составли феъллар қўшма феълларнинг бир тури. Уларни ўрганиш эса 2 жиҳатдан аҳамиятли: 1) грамматик тадқиқот сифатида; 2) лексикологик объект, лексикографик манба сифатида. Чунки бундай сўзлар ҳам луғатлардан жой олиши керак. Бу эса тилнинг луғавий бойлигидир. Унинг луғат бойлигига даҳлдорлиги эса бошқа тил сўзларига қиёсланганда, айниқса, маънолар чоғиштирилганда яқол кўринади: *ўқиб чиқмоқ* – прочитать, олиб келмоқ – принести. Яна қиёсланг: *кириб чиқмоқ* – заходить, *ўтиб кетмоқ* – проходить ва б.

Юқоридагилардан кўриниб турнибдики, ўзбек тилидаги қўшма феъз шакллари ифода қиласидиган маъно ва вазифаларга фақат шакл нуқтai назаридан эмас, уларнинг фикр алмашишдаги ижтимоий вазифалари нуқтai назаридан ёндашиб баҳолаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, ишларда таъкидланганидек, бу жиҳатдан (қўпима феъз бобида) "камбараллиги" тўғридай бўлиб қолади. Ҳолбуки, ўзбек тилидаги феълларнинг ўзаро бирекиб, чатишеб кетишни ва хилма – хил маъноларни юзага чиқариши матида яқол кўриниб турган ҳақиқат. Фақат илмий тавсифларни янада чуқурлаштириш учун тадқиқотларни давом эттириш лозим.

МАҮРҮЗАЛАР БҮЙИЧА АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР

I. Берилган матнлар таркибидағи шахс-сон күрсаткычларининг услугбий құлланишларини баҳоланғ:

Шахс-сон категориясынинг аниқ, иоаниқ, умумлашған маңындарда құлланишига, шахс ва соннинг алохіда-алохіда ва бирликда күчини қандай шарт-шаройтлар билан боғлиқлігіга, бирлік ва күп-ликдаги ифодаларнинг ишлатилиш мақсадларига, қайси шахсда ва сонда күпроқ услугбий мақсад-күчириш устуналығындағы зертебор беринг:

1. Қызил вагон, яна қаерларга олиб борасан сен... . 2. Мана буни чиндан ҳам мәрдлік дейдигар. ... донға кеттан отларни шу ерга олиб тушиб сүгоради(лар), чұмилтиради(лар). 3. Қани әнди бир мұъжиза бўлиб, биз ҳам яшариб қолсагу, Йўлдошвойпинг ёғинасқа жангтоғта мардана кирсак... 4. Ойниса ийманибгина сұрағи: – Лобархон күршінмайдиларми? 5. Бу киши Нинахон бўладилар, "Қызил тонг"нинг мудиралари. 6. Ота набирасига насиҳат қила бошлади: – Ёз бўйи тараlla бедод қилиб юрамиз, хеч нимани ўйламаймиз, қишлоғи түштілаб қоламиз. 7. Әнди мендай одам шу ерга бориб ўтирешими? 8. Ёшасига қириласанлар, фашист газандалар. 9. Қалайсанлар, әнди. Юрибсанларми? 10. Сиз меҳмон, биз мезбон. Буюрсунлар, күнгиллари қандай таомларни тусайди, таъблари қандай суҳбатларни истайди. Гулнознинг бу артистона ўйини бувининг аразини тарқатиб юборди. 11. Бувимлар келишиди. – Айт, кираверишсин. 12. Отам қапилар? – Ойниса ҳовли атрофига, бое томонга алғанглаб сұрағи. 13. Сұранг-чи, Гулноз, әрларидан дарап топтылармикан. 14. Тинчлик берадими ўзи, безор қылды-ку! 15. ... орқадан хитоблар эшигтилиб турди: – Омадингиз ўнгидан келсин, йигит! – Хат ёзив түрсиплар! 16. Келиб қолар... – Йўлдош текис қора соқол қоплаган иягини силаб қўйди, – соқолни ҳам оламиз. (Мисоллар Ҳамид Ҷуломнинг "Ташкентликлар" романыдан олинган).

II. Тавсия этилаёттан матнлар таркибидағи феъл майлларининг услугбий аҳамиятига баҳо беринг. Тўғри ва кўчган ҳолдаги құлланишларни фарқланғ:

1. Қандингизни уринг. Яшани! Кулинг! 2. !Орагингда ёлинг бўлмаса, қайтариб бер – ўзим ичаман. 3. Сен эртагаёқ кетасан, топшириқ шу! 4. Яхниси, далага юр, менинг бригадамда эл қатори ишлай берасан. 5.

Сашасин, қоюм, сипасин, майли – деди хола. О. Никитин, иккенининг ҳам боси омон бўлсин. 7. Лёмининг раҳми кессин деб, жиндек кўз ёши ҳам қилди Шарифхўжа. 8. ... ора-чора кўриниш бериб, нотавон кўнглимни тинчитиб кеписани бас... . 9. Қани энди шу асрни тошлар ёрилиб кепса-ю, уни ўз бағрига яширса. 10. Болаларнинг дөгини *қўрмасак бўлди*. 11. Даҳаларимиз худди бизнинг шўх, қувноқ бўла олишимиз учун ўлиб кетган *бўлса-чи?* – деб тишлатдим мен ҳам. 12. *Борсам*, сира зериктирмайди.

III. Тубандаги матнлар таркибида ишлатилган феъл замон шаклларига эътибор беринг, уларнинг тўғри ёки кўчма қўлланишини фарқланг: бир замон шаклининг бошқа замон маъносада ишлатилишини, синонимик ҳолатларни, матнлар таркибидаги луғавий воситаларни тушунтириб, асослашга ҳаракат қилинг:

1. Сиддиқжон ялт этиб хотининг қаради. Хотинининг ранги учган, ўрнидан туриб боласини беланчакка солди ва қаттиқ – қаттиқ *тебратा бошлиди*. 2. Қарасам, мени тушириб қўйгани қўлни чўхаб келгани. 3. Бир куни қарасам, дарчани бузаман деб болта *кўтариб келаётиди*. 4. Андрей бирам *бўғлади*, бирам аччиғи *келади*. 5. Ҳоҳласа кетмои чопади, ҳоҳламаса бозорга бориб балиқ *сотади*. 6. Биз, *раисимиз* айтмоқчи энди эсини таниган боладимиз. 7. Булар кеча оёғингини *босган эди*, бугу а кўкрагинта оёқ *босиб турибди*, эртага бўғзинигта оёқ қўяди.

IV. Қўйида қайд этилган ҳолатларда илгард сурʼиленган назарий қарашларни ўзлаштиринг, мулоҳаза юритинг, уларга оид мәтний мисоллар топиб, қўлланишини асосланг.

"феъл замон" шакларининг қўлланишидаги умутий хусусиятлар билан боғлиқ бир қанча масалалар бор... Шулардан батъилаф қўйидагилар:

1. Бир замон шаклининг бошқа замон маънисси учун қўлланиши – "кўчма қўлланиш ҳодисаси маълум замон кўрсаткичиди" ги феълларнинг маълум синонимик конструкцияда бундан бошқа маънода ҳам кела олишини назарда тутади. Бундай қўллаш феъл замон кўрсаткичини функциясини ва ишлатилиши доирасини кенгайтиради. Кўчиришда феъл грамматик кўрсаткичи иборадан англашилиб турган мазмунни бермайди, демак, бунинг асосий воситаси "грамматик – контекстуал комплексдир"

2. Замон ифодаловчи луғавий воситалаф (кочага, эртага каби сўзлар), одатда, феълнинг замон кўрсаткичи билан мағмунан уйғун бўлади (ҳали бораман, ҳозиргина чиқиб кетди), ле син бундай сўзларнинг уйғулиги – "найт мослиги" бир сўзининг бир ича хил кўрсаткич билан

бирика олиш тузида ҳам бұлади (хозир кетди – хозир кептепти – хозир боради). Аммо күчма құллашнинг "мумкинлик" ва "мумкин бұлмаслик" ұллары фарқланады: Қиёсланғ: әртага кетаман – әртага кетаётірман. Бироқ: әртага бораман – әртага борганим бұлсип; әртага бордим (?) – әртага бордим дейлик.

3. Тури хил құлланишларда феъл замон шаклининг асл маңысига янги маңын орткырилади. Бу маңыларни бир семантик комплексга бирлаштыриб бўлмайди, лекин улар шаклининг бир хиллиги билан бирлашади. Натижада бир маъненинг бир неча хил шакл билан ифодаланиши туғилади: тўғри ва күчма маънодаги шакл билан. Шунга кўра, бундай кўчириш ҳодисасига нисбатан "синонимик муносабат", "синонимик алмаши", "замонларниң синонимияси" каби ифодалар ишлатилади.

Контекстдаги замон маңыси – аниқ маңын – шаклининг одатдаги мазмунига мос келмаганда, кучиш юз беради (уйлантиряпти – уйлантиради). Лекин бундай "мумкинлик" ҳар жиҳатдан тенгликини билдиirmайди.

4. Нутқ бир шахснинг фикр ифодалашы тузида бўлганда кўчириш турли шаклларда кўрина олади, чунки нутқ вақтини унинг ўзи белгилайди. Сўзлобчининг нутқига бошқанинг нутқи аралашган бўлса, замоннинг кўчиши ҳам мураккабланади. Унда камида 2 замон бўлади. Қўшма гапнинг кўчирма гапли турида бундай мураккаб кўчишлар кузатилади.

5. Кўчириш грамматик шаклининг бир неча маңын учун хизмат қилишини, аксинча, бир маъненинг турли шакллар орқали юзага чиқиши мумкинлигини ҳам кўрсатади.

6. Грамматик шаклининг транспозицияси доим образлилик билан боғланаверамайди. Унинг 2 кўриниши бор: узуал тизимдаги ўрни, окказионал тизимдаги ўрни (тавсия этилган назарий қарашларда мазкур мавзута бевосита даҳдор диссертация материалидан фойдаланилди).

Фойдаланадиган адабиётлар:

1. ӽзбек тили грамматикаси, 1 жилд. – Тошкент: Фан, 1975
2. Ҳозирги замон ӽзбек тили, Фахри Камол таҳририда, – Тошкент: ӽзФАН, 1957
3. Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М. ва б.к. Ҳозирги ӽзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980
4. Шомақсудов А., Расулов И. ва б.к. ӽзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983

х х х

1. Гуломов А.Г. Феъл. -Тошкент: Фан, 1954
2. Ҳожиев А. Феъл. - Тошкент: Фан, 1973
3. Ҳожиев А. Тўлиқсиз феъл. - Тошкент: 1973
4. Ҳожиев А. ӽзбек тилида кўмакчи феъллар. - Тошкент: Фан, 1966
5. Қўчқортоев И.К. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. - Тошкент: Фан, 1957
6. Қўчқартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. - Ташкент: Ўқитувчи, 1977
7. Содикова М. Феъл стилистикаси. - Тошкент: Фан, 1975
8. Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Глагол. - Л., 1981.
9. Расулов А. ӽзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. - Тошкент: Фан, 1989
10. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология туркоязычных памятников X-XI веков. - Ташкент: Фан, 1989.
11. Аъламова М. ӽзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. - Тошкент., Фан, 1992.

МУНДАРИЖА

Уқтириш хати	3
1 – мавзу. Феъл туркумининг ўзига хос хусусиятлари	5
2 – мавзу. Феълнинг вазифавий шакллари	10
3 – мавзу. Феъл категориялари. Шахс –сон категорияси	18
4 – мавзу. Феълларда писбат категорияси	21
5 – мавзу. Ўтимли – ўтимсизлик категорияси	26
6 – мавзу. Феълларда замон категорияси	28
7 – мавзу. Феълларда майл категорияси	35
8 – мавзу. Феълларда бўлишили – бўлишсизлик категорияси	38
9 – мавзу. Тўлиқсиз феъл	43
10 – мавзу. Феъл ясалини	47
11. Маърузалар бўйича амалий топшириқлар	52
Фойдаланадиган адабиётлар	55

РНТ

Босишга рухсат этилади 7.09.99. Ҳажми 3,5 босма табоқ.
Адаги 150 нусха. Буюртма 535
ТошДУ босмахонасида чоп этилади.